

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**«Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши
кундузги бўлим IV босқич**

414 -гуруҳ битирувчиси Қурбонова Озодхон Шухратовнанинг

« Турмуш тарзининг янгилааниш омиллари »

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар:
фалсафа фанлар номзоди,
доцент З.Исмоилова**



Фарғ она - 2011 йил

Турмуш тарзининг янгиланиш омиллари.

Кириш.....

I-Боб. Турмуш тарзи ва унинг тадқиқи.....

1.1. Турмуш тарзи тушунчаси.....

1.2. Турмуш тарзи ва ижтимоий тараққиёт.....

II-Боб. Фаровонлигини ошириш-турмуш тарзи янгиланишининг стратегик асоси.

2.1. Турмуш тарзи янгиланишининг асосий йўналишлари.....

2.2. Ўзбекона турмуш тарзи ва унинг вазифалари.....

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш даврида миллий уйғониш, миллий тикланиш, миллий таракқиёт ўзбек халқи миллий турмуш тарзининг покланишига олиб келди. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таракқиёт йўли, тикланаётган миллий кадриятлари миллий ўзликни англаш билан уйғунлашиб, ҳозирги замон таракқиётининг тажриба ва йўналишларини ифода этмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов алоҳид таъкидлаганидек, "ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги энг аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир."¹

Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг шаклланиши унинг маънавий-маърифий, маданий-руҳий ҳолати, урф-одати, анъаналарининг нодир ва бетакрорлиги, халқпарварлиги ва инсонпарварлиги умумбашарий кадриятлар билан муштараклигида белгиланади.

Бинобарин, миллий мустақиллигимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий асосларини мутаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири - ўзбек халқининг миллий менталитети, ҳаёт даражаси, анъанавий ва замонавий турмуш тарзини шакллантириш, такомиллаштириш масаласидир. Шу сабабли миллатнинг этносоциогенез ҳолати, ўзига хос хусусиятлари, турмуш тарзи, унинг таркибий тузилмаси, моҳияти, мазмуни, йўналишлари, концептуал асосларини илмий, назарий, амалий жиҳатдан таҳлил этиш, ўрганиш долзарб муаммолардан ва тадқиқот объектларидан биридир.

Мазкур илмий муаммонинг долзарблиги, бизнингча, қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқдир:

¹ Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент, Маънавият,2008. 76-77 б

Биринчидан, миллий турмуш тарзи истиқлол берган имкониятлар негизда тубдан ижтимоий ва маънавий янгилапиш босқичини бошидан кечирмоқда, унинг мазмуни ва таркибида муайян ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Натижада турмуш тарзимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари муштамлақачилик давридаги каби сиёсийлик ва сохта байналминаллик негизларига эмас, балки миллий умуминсонийлик асосларида қайтадан шаклланимоқда.

Иккинчидан, ислохотлар туфайли ҳаётга тадбиқ этилаётган бозор иқтисодиёти талабларига кўра мамлакатимизда мулкчилик шакллари тубдан ўзгариб, давлат мулки билан бирга жамоалар, акциядорлар ва шахсларнинг хусусий мулклари пайдо бўлди. Натижада ишлаб чиқариш муносабатларида жиддий ўзгаришлар вужудга келиб, фуқароларнинг янги, яъни - мулкдорлар синфи шаклланди.

Учинчидан, халқимиз сиёсий мушакиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятларни соҳибига айланди. Бу эса миллий ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, маънавий мерос неъматларидан баҳраманд бўлиш имкониятлари ва шарт-шароитларини яратди.

Тўртинчидан, мушакиллик туфайли халқимизда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, техник ва технологик соҳаларда тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида муносабатлар ўрнатиш муносабатлар кенгайиб, мамлакатимиз халқаро интеграция жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Бу фаолият халқаро ҳуқуқ меёрлари асосида амалга ошмоқда.

Буларнинг барчаси ўзбек миллий турмуш тарзини шаклланиши ва ривожланишига олиб келмоқда, турмуш тарзининг ўзи эса кишиларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида янги маъно ва мазмун касб этмоқда. Шу туфайли ҳам мушакиллик шароитида миллий турмуш тарзининг таркиб топиши ва ривожланиш хусусиятларини, унда рўй бераётган таркибий ва мазмуний

Ўзгаришлар моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш масаласи кун тартибда турибди.

Турмуш тарзи мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб қишлоқ турмуш тарзи унинг муҳим таркибий ажралмас қисмларидан биридир. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида аграр секторнинг улуши ҳал қилувчи ўринни эгаллаган ва аҳолининг қарийб учдан икки қисми қишлоқларда яшовчи Ўзбекистон учун қишлоқ турмуш тарзи жамият турмуш тарзини белгиловчи энг муҳим халқалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш республикаимиз Президенти ва раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич, тадрижий равишда амалга оширилаётган умумий ижтимоий тараққиёт дастурининг таркибий қисмини ташкил қилади. Чунки қишлоқдаги умумий иктисодий-ижтимоий вазиятни яхшиламасдан туриб, мамлакат турмуш тарзини яхшилаб бўлмаслиги табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, "қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ, мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. 215 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда, уларда 1,6 миллион киши ёки соҳада банд бўлган аҳолининг қарийб 90 фоизи меҳнат қилмоқда, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийб 85 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили мамлакатимиз бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99 фоизи, ғалланинг 82 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. Юртимизда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида фермер ва деҳқон хўжаликларининг улуши салкам 94 фоизни

ташкил этмокда. Қишлоқ хўжалиги хомшёсини комплекс қайта ишлашга ихтисослашган 200 дан зиёд агрофирма фполият кўрсатмокда¹¹.

Бинобарин, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзда тутиладиган пировард мақсадлардан бири ҳам қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини фаровонлаштиришдан иборатдир.

Мулкнинг деҳқон қўлига қайтарилиши, унда хўжайинлик ҳиссини тиклаш, боқимандалик кайфиятидан халос этиш, муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондиришда уларнинг масъулиятини ошириш, қишлоқда маиший турмуш шароитларини яхшилаш, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш - буларнинг барчаси нафақат моддий, айни вақтда, маънавий манфаатларнинг ҳам ифодасидир. Демак, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида қишлоқ аҳлининг ўз-ўзини англаши унинг маънавий дунёсига чуқур ижобий таъсир кўрсатмокдаки, бу нарсаларча инсонларча яшаш, инсонларча меҳнат қилиш, инсонларча маданий эҳтиёжларни қондиришга етарли имкониятлар яратмокда. Чунки "Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-гайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади"².

Жамият иқтисодий ҳаётининг тубдан ислох этилиши, мулкка эгалик қилиш тизими таркиби ва мазмунининг ўзгариши, қишлоқда маънавий маданиятнинг турли шакл ва жанрлари юзага келиши, мавжуд бўлганларининг ривожланишига шароит туғдиради, маданият ва таълим-тарбия муассасаларининг ролини тобора ошириб боради.

Айтиш мумкинки, истиқлол туфайли амалга оширилган ислохотлар туфайли қишлоқда миллий ўз-ўзини англаш жараёни,

¹ Халқ сўзи, 2008, 8 февраль

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, - 1995. 182-б.

аҳолининг эркин фикрлашга интилиши, фукароларда шахсий жавобгарлик хисси кучаймокда. Мулкка янгича муносабат асосида кишиларнинг нафақат моддий, балки маънавий масъулияти ҳам ортиб бормокда, уларнинг ўз интеллектуал имкониятлари, инсоний фазилатларини янада фаол намоён қилишга ижтимоий эҳтиёж ортмокда. Кишилар ўртасидаги муносабатларда ахлоқий - маънавий тамойиллар устуворлик касб этмокда. Маънавий - мафкуравий омиллар таъсирчанлигини кўтаришда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, маърифий масканларнинг роли ошиб бормокда. Қишлоқда янгича яшаш тамойиллари қарор топишида маҳалланинг фаолият доираси кенгаймокда. Анна шу ижтимоий омиллар қишлоқ кишисининг индивидуал ва ижтимоий ҳаёт тарзига, меҳнат фаолиятининг турли соҳаларига чуқур таъсир кўрсатиб, шахснинг маънавий баркамоллашув кўламининг кенгайиши ва мазмунан бойиб боришига олиб келмокда.

Юқорида айтилганлардан кўринадик, республикаимиз қишлоқлари турмуш тарзидаги янгиланиш жараёнларининг фалсафий моҳияти, унинг социал-маънавий илдизларини тадқиқ этиш, назарий хулосалар чиқариш, улар асосида турмуш тарзини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таклифлар, услубий тавсияномалар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардандир.

Турмуш тарзини ўрганиш барча даврларда долзарб илмий муаммолардан ҳисобланган. Турмуш тарзи ижтимоий жараён оқибати кўринишида қадимги Миср, Афина, Рим давлатларида долзарб аҳамият касб этган, бу мавзу Геродот, Сократ, Платон, Овидийларнинг асарларида ҳам ўз аксини топган. Уларда бошқа мамлакатлар қатори ўша даврда Ўрта Осиё худудида жойлашган халқларнинг турмуш тарзи ҳақида сўз юритилади. Хусусан, грек тарихчиси Геродот қадимги "параканаликлар"

(фарғоналиклар), "хоресмийлар" ва сўғдларнинг турмуш тарзи хусусида кимматли маълумотлар келтирган.¹

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Қожиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Мирхонд, Хондамир, Бобур Мирю Улугбек ва бошқаларнинг асарларида ўша даврдаги халқларнинг Турмуш гарм ва унинг ижтимоий тараққиётга кўрсатувчи таъсири масалалари мутлоқ акс эттирилган. XVIII - XIX асрларга келиб умумбашарий тараққиётнинг интенсив характер касб этиши, фан ва техника ривожининг янги босқичга кўтарилиши муносабати билан Ўрта Осиё қўшни ва узок хориж мамлакатларидаги ижтимоий ҳаёт, турмуш тарзини ўрганишга бўлган қизиқиш олим ва шоирлар асарларида устувор аҳамият касб этган. Бу хусусият, айниқса, Аҳмад Дониш, Фурқат каби маърифатпарварлар ижодида яққол кўринади. Уларнинг асарларида турмуш тарзи омиллари, айниқса, таълим-тарбия, меҳнат Куроллари тизими, иш кунининг оқилона тақсимланиши, феъл-атвор, менталитетнинг тараққиётга йўналганлиги масалалари ибратомуз услубларда баён этилган.

Турмуш тарзи ва уни такомиллаштириш муаммолари, айниқса, XIX аср охири ва XX аср бошларида Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхонов ва жадидчилик ҳаракатининг Кўплаб мутафаккирлари ижодида кенг ўрин олган. Уларнинг асарларида миллий ўзига хосликни сақлаган ҳолда турмуш тарзига янги, илғор йўналишларни тадбиқ этишга ҳаракат тенденцияси кузатилади.

Тоталитар тузум даврига келиб турмуш тарзи омилини батамом сиёсийлаштириш, мафкуралаштириш тенденцияси кучайди. Бу муаммога бағишланган ижтимоий-фалсафий адабиётларда ўша даврнинг коммунистик мафкуриний, синфий, ғоявий биқиқлиги устуворлик қилган, уларда ҳар қандай йўл билан совет халқи социалистик турмуш тарзининг афзаллигини исботлаш бош йўналиш қилиб олинган.

¹ Қаранг. Геродот.- История.-СПБ, М.: "Салаево"- 1882, Т.96-б

Собиқ СССРдаги Миллий Республикаларнинг мустақилликка эришиши арафасида, хусусан 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларигача бўлган даврда турмуш тарзини тадқиқ этиш бирмунча фаоллашди. Бу даврда ёзилган асарларда собиқ СССРда социализм қурилиш даврида халқ турмуш тарзини ташкил этишда йўл қўйилган хатолар, аҳоли турмуш даражаси, маданий савияси ниҳоятда паст эканлиги, ишлаб чиқариш тизимини ташкил этишдаги камчиликлар ва бошқа кўплаб масалалар очик ойдин ёритилади. Бу даврда ўзбекистонлик муаллифларнинг асосий эътибори республикада ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги номутаносибликлар, республика иттифоқининг хом ашё базасига айланиб қолганлиги, пахта якка ҳокимлиги, Орол муаммолари, қишлоқ ҳаётининг аянчли аҳволи соҳасида йўл қўйилган камчиликлар ва булар туфайли Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг мутлақо қониқарсиз аҳволга тушиб қолганлигига қаратилди.

Турмуш тарзи муаммолари ҳақида сўз борганда, олимларимиз унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатлари, унда миллийлик ва миллатлараро муносабатларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзбек халқи турмуш шароитларининг СССРда яшовчи бошқа халқларнинг турмуш тарзидан ортда қолганлиги масалалари ва бошқа муаммолар ҳақида атрофлича сўз юритадилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг эълон этилиши муносабати билан халқимиз турмуш тарзини янгилашга янгича тамал тоши қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёнотида, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида қонун" (1991, 31 август)да, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992) янгича турмуш тарзимизнинг иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, маънавий, мафкуравий ва бошқа жиҳатлари асослаб берилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу сиёсий ҳаракатларнинг қонуний кафолати сифатида катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Республикамизнинг ўзига хос ва ўзига мое истиқлол йўли жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўзаро муносаббатда, уйғун ва тадрижий асосларда узлуксиз ривожлантиришни тақозо этади. Бу тизимда қишлоқ инфрасанктурасини тараккий этириш, қишлоқда бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир. Шундай экан, қишлоқда турмуш тарзини янгиламай, унинг асосий омилларини пухта ҳисобга олмай туриб бу соҳада муваффақият қозониб бўлмайди. Шуларни назарда тутган ҳолда, ишимизда бозор иқтисодиётига утиш иироитида қишлоқ турмуш тарзининг шаклланиш ва ривожланишида муқим омил қисобланган ижтимоий-маънавий масалаларни фалсафий таҳлил этишни мақсад қилиб олдик. Бозор муносабатларининг қишлоқ ҳаётида слмарали қарор топиши ўзбек менталитети, халқимиз руҳига мос тарзда шакллаптириш, бир томондан, турмуш тарзимизнинг янги қирраларини англаб этиш, унинг миллий мазмунини бойитишни талаб қилса, иккинчи томондан, турмуш тарзимизнинг маънавий асосларини умуминсоний қадриятлар ва тамойиллар билан янада мукаммаллаштиришни тақозо этади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни таҳлил этиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- турмуш тарзи тушунчаси, унинг моҳияти, таркибий қисмлари ;
- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ турмуш тарзи шиклланишининг ижтимоий - сиёсий ва маънавий омиллари;
- ўзбек миллатининг этносоциогенез ҳолати, унинг таркибий тузилмаси, моҳиятини тушуниш тизимини тадқиқ этиш;
- турмуш тарзи тизими санктураси ва унинг асосий белгилари;
- турмуш тарзининг ижтимоий-психологик жиҳатлари;

- турмуш тарзи маънавий асосларини шакллантириш ва унинг истикболлари хусусида назарий асосланган илмий-амалий, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ушбу тадқиқотни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш дпнри хусусиитлари, унинг тамойиллари, тарихий-маънавий кадриятлар, миллий истикдол мафкураси, мустақиллик ғояси ва унинг мазмуни, комил инсонни тарбиялаш борасидаги концептуал хулосалари, Ўзбекистан Республикаси Конституцияси, Олий Мажлисида қабул қилинган қонунлар, шунингдек, Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари асарлари, статистик маълумотлар тадқиқотимизга асос қилиб олинди.

Мазкур тадқиқот республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида турмуш тарзи, унинг муҳим таркибий қисми бўлган турмуш тарзини тадқиқ этишга бағишланган тадқиқот бўлиб, унда турмуш тарзи билан боғлиқ кўплаб назарий муаммолар таҳлил этилган. Унинг натижаларидан шаҳар ва турмуш тарзини шакллантиришда, унинг ривожлантириш тенденцияларини белгилашда ва ҳаётга тадбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

I-Боб. Турмуш тарзи ва унинг тадқиқи.

1.1. Турмуш тарзи тушунчаси

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва тараққиёт йўли ҳақида фикр юритар экан, аҳолининг миллий-тарихий хусусиятлари ва тафаккур тарзидан, халқ анъана ва урф-одатларидан келиб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлагани ҳолда янгиланаётган жамият сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишни кафолатлаши кераклигига алоҳида эътибор беради.

И.А.Каримовнинг мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида илгари сурилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тафаккур тарзи тўғрисидаги чуқур илмий асосланган концепцияси ўтган йиллар давомида бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси бўлиб хизмат килди.

Мазкур илмий концепция истиқлол йилларида шаклланадиган ва ривожланадиган турмуш тарзимизни яхлит тизимий воқелик сифатида талқин этиб, унинг таркибида иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмуш тарзи сингари соҳалар мужассам бўлишини асослаб берди.

Ижтимоий ҳодисаларнинг таркиби ҳақида фикр юритишдан олдин "турмуш тарзи" тушунчаси масалани ойдинлаштириб олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек, узоқ вақт давомида илмий адабиётлар, хусусан, ижтимоий фалсафа соҳасида "турмуш тарзи" тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, йўналиши коммунистик мафкуравийлик талаблари асосида талқин этилиб, унда асосан миллатларнинг ўзаро сингиб кетиши ҳамда интер рпационаллашув жараёнини илмий исботлашга уриниш устунлик қилиб келди. Демак, турмуш тарзининг мазмунига сиёсий тую беришга катта аҳамият бериб келинди.¹

¹ Образ жизни -Киев: Паукова Думка, 1980; Образ жизни и ценностные ориентации личности -Ереван: из-во. АН. Арм.ССР, 1979

Айни пайтда мустақиллик шароитида турмуш тарзи мазмунига маънавий омил сифатида қараш, унинг шаҳе ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеига муайян мафкуравий таъсирлардан холи ёндашиш учун объектив шарт-шароит келди.

Маълумки, жамият тараққиёти ҳодисаларини тизимий ва яхлит таҳлил қилиш жамият фуқароларининг яшаш ва меҳнат фаолияти жараёнлари, турмуш муаммолари даражалари, манфаатлари ва эҳтиёжларининг моҳиятли жиҳатларини англашга имкон беради. Айни вақтда, шахснинг муайян макон ва шмон миқёсида яшашига оид талабларнинг турмуш тарзи тушунчасида яхлит намоён бўлиши мазкур термин моҳиятини теран англаш заруриятини тақозо қилиб беради. Шу боисдан турмуш тарзи тушунчасини ранг-баранг таърифлаш тепдеңциясининг илмий тадқиқотларда кенг ўрин олиб келганлиги бежиз эмас, уларни моҳият ва мазмуни жиҳатидан бирлаштирадиган бўлсак, икки хил маншзарани кўриш мумкин.

Биринчи ёндашувга биноан турмуш тарзи кишиларнинг бевосита ҳаётий фаолият шакллари йиғиндисигина эмас, балки уларнинг ҳаёт фаровонлиги даражасини ҳам ўз ичига олади. Шу маънода турмуш тарзи кишилар ҳаёт кечириши шарт шароитлари, эҳтиёжлари мезони, ҳаётий фаолияти мазмуни, шу билан бирга, атроф-муҳитга муносабатлари тизими ва йиғиндисидир.

Иккинчи концепция муаммога алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашади, фақат турмуш тарзи таркиби, ҳаётий фаолият шакллари эътироф этади, бу структурага шахс интилишлари, эҳтиёжлари, ҳаёт шароитларини киритмайди. Бунда иқтисодий шарт-шароитларнинг самарадорлиги механик равишда турмуш тарзи фаровонлигини, ҳаёт даражаси юксалишини таъминлайди, деган концепция асос қилиб олинади.

Муаммога объектив ёндашув эса ҳар икки концепциянинг рационал жиҳатларидан ижодий фойдаланишни тақозо қилади. Дарҳақиқат, жамият ва шаҳе ҳаётий фаолияти мазмуни масаласига алоҳида эътибор бериш "турмуш тарзи" категорияси мазмунини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Шу

боисдан турмуш тарзи ҳақида гап борганда, кишиларнинг турмуш шароитлари ҳусусида тўхталиб ўтиш мантиқан тўғри бўлади, зеро, кишиларнинг ҳаётий фаолият усуллари ва уларнинг мазмуни, турмушнинг моддий ва ижтимоий шарт-шароитларини ўзгартирмай туриб турмуш тарзини ўзгартириб бўлмайди. Демак, турмуш тарзига таъриф берганда, уни турмуш шарт-шароитларидан ажратиб таҳлил этиш ва тавсифлаш мантиқан тўғри эмас. Шунга асосланиб қайд этиш жоизки, турмуш тарзи кишилар ҳаётий фаолияти турлари, шакл ва усуллари жамулжамининг кишилар ҳаётининг реал шарт-шароитлари билан уйғунлашган ифодасидир.

Турмуш тарзи ҳақида сўз борганда, табиий равишда турмуш шароити, ҳаёт даражаси муаммолари келиб чиқади. Бу алоқадорликни умуман жамият ҳаёти даражасида ҳам, муайян синф ёки ижтимоий гуруҳлар даражасида ҳам, шунингдек, алоҳида шахс турмуш даражасида ҳам кўриш мумкин.

Кишилар фаолияти орқали бевосита рўёбга чиқадиган турмуш тарзи моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида улар онгида объектив эҳтиёжлар ва манфаатлар тизимини муайян фаолиятлар мотиви сифатида таркиб топтириши ҳам мумкин. Зеро, мотивлар кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларида уларнинг орзу-умидларини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлади. Кишилар муайян мақсад ва мотивларга суяниб ҳатти-ҳаракат қилиш асносида нафақат муайян талаб ва эҳтиёжларни қондиради, шу билан бирга, ҳаётий шароитларни ҳам, ўзликни англаш даражаларини ҳам ўзгартирадилар.

Ҳатти-ҳаракатларни рўёбга чиқарувчи мотивлар турмуш тарзи ксчишида муайян роль ўйнар экан, биринчидан, бу жараёнда шахснинг ижтимоий йўналтирилган фаолияти муҳим омил ҳисобланади. Ижтимоий йўналганлик, бир томондан, шахснинг муайян гуруҳ, табақа, тоифанинг узвий қисми сифатида ўз-ўзини англашига, иккинчи томондан эса, шахснинг истиқболдаги ижтимоий мавқеи ҳамда унга эришишига йўл очади. Ижтимоий йўналиш турмуш тарзини нафақат режали бошқариш, шу билан

бирга, фаолият субъектини ўз-ўзини муайян социал ҳолатларга монанд тарзда самарали регуляция қилишга ҳам олиб келади. Ижтимоий йўналганлик нафақат маълум манфаатларни кўзлаб иш тутиш, балки кишиларнинг муайян кадриятларга муносабатларида ҳам ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, мотивлар ҳар қандай фаолиятнинг моҳиятини изоҳловчи сифатида намоён бўлар экан, бу тушунча фаолият билан бевосита алоқадорлик ва мантикий мутаносибликда амал қилади.

Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати турмуш шарт-шароитлари бўлиб, унинг таркибига атроф-муҳитдаги реал шарт-шароитлар, иқтисодий имкониятлар, мулкӣ ўзига хосликларни киритиш мумкин.

Турмуш шароити, табиийки, кишилар фаолиятини белгилашда муҳим ўрии тутади. Турмуш шароити кишилар ҳатти-ҳаракатларини бошқаришга доимий таъсир ўтказиб туради. Бироқ кишилар фаолиятига таъсир кўрсатувчи табиий ва ижтимоий шарт-шароитларнинг барчасини ҳам механик равишда турмуш тарзига киритиб бўлмайди. Гап шундаки, турмуш шароити тушунчаси тизимий, таркибий тугалланма жиҳатлар жамулжамидир. Турмуш шароити бу -бутун иқтисодий-ижтимоий, маънавий муҳитнинг гавдаланишидир.

Турмуш тарзи билан турмуш шароити тушунчалари ўртасидаги мутаносибликни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, собиқ совет тузуми мазкур омиллар алоқадорлиги масаласига бир ёклама ёндашиб келди. Кишиларнинг ҳаётӣ фаолиятлари натижалари таҳлилидан турмуш шароити таъсирини бутунлай чиқариб ташлаш тўғрисидаги совет тузуми давридаги тенденцион ғоя ана шундай моҳият касб этиб келди. Албатта, бундай йўсиндаги карашлар ўзини оқламаслиги табиий эди. Бинобарин, кишиларнинг муайян иқтисодий-ижтимоий шарт-шароит доирасида амалга оширадиган саъй-ҳаракатлари қандайдир мавҳум эмас, балки конкрет фаолият орқали юзага чиқади. Бунда аҳоли учун қандай маданий-маиший имкониятлар

яратилганлиги, газ, электр энергия, тоза сув билан таъминланиши, уй-жой қурилиши муаммосининг ҳал этилиши каби омиллар ҳам муайян роль ўйнайди. Бугина эмас, муайян жамиятда фуқаролар истиқомат қиладиган уй-жойлар нима билан ва қандай жиҳозланган, улар кимнинг тасарруфида, оила бюджетининг қанча фоизи яшаш шароитини яхшилашга сарф қилинади? - деган масалаларни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга давлатнинг қандай аҳамият бериши ҳам алоҳида роль ўйнайди.

Шу сабабли мустақиллигимизнинг илк қадамлариданоқ миллий турмуш тарзимизнинг тикланиши ва ривожлантирилишига қаратилган кенг кўламдаги ишлар амалга оширила бошланди, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган катта сиёсий ва ижтимоий ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Албатта, бу тадбирлар турмуш шароитининг моддий негизларини вужудга келтириш билан бевосита боғлиқдир. Айни вақтда, шуни таъкидлашимиз лозимки, турмуш шароитимизнинг бу кўлами яна бир бошқа омилни ҳам шарт қилиб кўяди. Яъни, мамлакатимиздаги улкан потенциал имкониятлар тарзида мавжуд бўлган моддий ва маънавий бойликлар кўлами беқиёс моддий фаро-вонликлар манбаларини, маънавий захираларимизни англатади. Шундай экан, кишилар ҳаёт фаолиятларини ўзгартириш учун улар турмушининг моддий ва ижтимоий шарт-шароитларини ҳам ўзгартириш тақозо қилинади. Шу маънода, айтиш мумкинки, мустақиллик улкан табиий, минерал хом ашё, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурслар ҳамда юртимиз салоҳиятидан, энг аввало, ўз халқимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишга шароит яратди.

Кўринадикки, турмуш тарзини тизимий таҳлил этмок учун унга, биринчидан, кишилар ҳаётини, яъни ижтимоий-иқтисодий, маънавий фаолияти шакллари, иккинчидан, уларни амалга ошириш жараёнларига эса ўзаро уйғуриликда ёндашмок тақозо қилинади. Дарҳақиқат, фаолият

шакллари билан уларни амалга ошириш шарт-шароитлари узвий бирлиги, йиғиндиси турмуш тарзи тушунчаси мазмунига муайян даражада ойдинлик киритади.

Турмуш тарзи аҳоли ижтимоий ҳаётининг муайян даражаси сифатида талқин этилиб, маълум социал тузум, гуруҳ, қатлам доирасида объектив ва тадрижий равишда шаклланади.

Турмуш тарзи айна чоғда кўпқиррали ижтимоий ҳодиса сифатида мураккаб таркибий тузилмадан иборатдир. Бу жараёнга тизимий ёндашиш уни куйидаги таркибий элементлар жамулжами сифатида тавсифлашни тақозо қилади:

- аҳоли ижтимоий ҳаёти ва меҳнат шарт-шароитлари;
- аҳолининг маиший ҳаёт шарт-шароитлари;
- индивидларнинг оилавий муҳити шароитлари, уларнинг дам олишлари, кўнгил очиш машғулоти кўлами;
- кишлар шахсий ва ижтимоий ҳаёти ўртасида мутаносиблик, ижтимоий фаоллик даражалари;
- аҳоли турли қатламлари орзу-ўйлари, истикбол режалари асосидаги фаолият турлари ва ҳоказолар.

Демак, турмуш тарзи инсон фаолиятининг ранг-баранг қирраларини ифодаловчи интегратив тавсифга эга ижтимоий ҳодисадир. Шу боисдан турмуш тарзи, бир томонидан, фаолият, меҳнат усуллари бирлигини, иккинчи жиҳатдан, шахс ҳаёти ва фаолиятининг микдорий ва сифат кўринишларини ифодалайди. Бу фикрни тўлароқ тасаввур этмок учун "фаолият шароитлари" деган тушунчанинг мазмунини конкретлаштириб олиш керак. Фаолият шарт-шароити деганда, моддий имкониятлар ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар йиғилмасини англаш мақсадга мувофиқдир.

Даставвал, шуни таъкидлаш жоизки, тарихий тараққиёт тажри-басига кўра инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти меҳнат воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади, бу фаолият моддий бойликлар яратишга йўл

очади. Шу нуқтаи назардан инсон мавжудлиги ва яшаб туриши учун энг зарур бўлган нарсалар муҳити ўз ичига олдинги авлод бунёд этган шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, уй-жойлар, уларнинг жиҳозлари, кийим-кечаклар ва ҳоказоларнинг йиғиндисини ҳам олади. Бошқа сўз билан айтганда, юқорида кайд этилган нарсалар авлодлар томонидан табиатни ўзлаштириш ва ўзгартириш натижасида юзага келган неъматлар йиғиндисидан бошқа нарса эмас. Меҳнат фаолияти билан бу шарт-шароитлар ўртасида амал қилувчи алоқадорлик ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита таъсирдор бўлган мураккабликларни акс эттиради. Шундай замонлар бўлганки, овчи фақат ўзи учун ўқ ва ёй тайёрлаган, балиқчи ёлғиз ўзи учун дарахт кесиб, қайта ишлаб қайиқ ясаган, деҳқон шундай йўл билан ёғоч омон бунёд этган. Бунинг маъноси шуки, ҳамма вақт ишлаб чиқарувчи билан меҳнат воситаси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлган, бундай алоқадорликни инсон танаси аъзоларининг ўзаро боғлиқлигига ўхшатиш мумкин.

Маиший ва маданий фаолият доимо предметли муҳит томонидан бунёд этилган ва мерос қолдирилган шароитлар билан бевосита алоқада бўлган. Этнолог ва этнографлар¹ ибтидоий қабилалар, муайян уруғларнинг ҳаёт тарзини тавсифлаганда уларнинг турмуш тарзи билан фаолият шароитларини ўзаро биргаликда тушунтиришларининг боиси ана шунда. Ижтимоий меҳнат тақсимооти тарихий тараққиёт жараёнида ривож топиб такомиллашиб, юқорида таърифланган икки жиҳатнинг уйғунлашуви янада мураккаблашиб боради. Масалан, пўлат қуёвчи меҳнат фаолиятининг кечиши унинг нафақат токарлик станогини ишлаши қонуниятларини ўзлаштириб олиши, балки шу билан бирга, унинг оила муҳити, саломатлиги ва ҳоказолар билан ҳам боғлангандир. Шундай жан, ҳали ўрнатилмаган ва ишлаш хусусиятлари ўзлаштириб олинмаган жиҳоз ўз ҳолича ишчи

¹ Қаранг: Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология.-Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриети, 2007.

меҳнатини характерлай олмайди. Шунингдек, курувчилар томонидан, масалан, у ёки бу жойда тикланган мактаб биноси ёки маданият кошонаси аҳоли турмуш тарзи тизимида маънавий гадбирларни самарали амалга ошириши билан ўз функциясини адо этиши мумкип. Аксинча, бундай масканларнинг фақат сони ҳисобга олиниб, улардан аслида бошқа мақсадларда фойдаланилса, бунинг турмуш тарзи таркибига ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Шўро замонида минглаб мана шундай ишноатлардан бутунлай бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги маълум.

Юқоридагилардан хулоса чиқарадиган бўлсак, айтиш мумкинки, ҳаётий фаолият билан унинг амалга ошириши учун объектив зарур бўлган шарт-шароитлар ўртасидаги уйғунлик ва алоқадорлик ҳамма вақт долзарб муаммо бўлиб келган.

Қайд этилганидек, турмуш тарзи маиший фаолиятни ҳам ўз ичига олади, маиший фаолият оила ихтиёридаги уй-жой ва маданий ҳаёт учун зарурий предметлар, яъни автомобиль, телевизор, магнитофон, совутгич, кир ювиш машинаси ва бошқаларнинг мавжуд бўлишига боғлиқдир.

Халқ турмуш тарзининг умумий ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳолати эса табиийки, қуйидагилар билан белгиланади: саноат корхоналари сони ва уларнинг самарадор фаолияти, йўл-транспорт алоқалари интенсивлиги, яшаш маиший муҳит, кундалик фойдаланиладиган предметларнинг сифати; аждодлар қолдирган маънавий мерос ва уларга ворислик даражаси, яъни ҳозирги авлоднинг бу меросга муносабати, уни ўзлаштириш ва такомиллаштириш масалаларига ёндашуви мисалалар.

Ўз-ўзидан равшанки, жамиятда фуқаролар турмуш тарзи билан улар фаолиятининг шароитлари мустаҳкам боғланганлиги боис фаолиятда гавдаланадиган сифат ўзгаришлари унга бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, ҳар қандай жамиятда олдинги тарихий тараққиёт даврида шаклланган ижтимоий муносабатлар тизими билан кишиларнинг бугунги фаолият тарзи ўртасида ҳам узвий алоқадорлик мавжуддир. Ҳатто кишиларнинг фаолияти кечаётган предметли муҳитнинг ўзгариши билан

уларнинг феъл-атворлари, ижтимоий ва шахсий ҳаёти мазмунида муайян ўзгаришлар юз бера бошлайди. Хуллас, ҳар бир индивидуал ҳатти-ҳаракат пировард натижада ижтимоий моҳият касб этади. Айтиш мумкинки муайян оилада юз берадиган ўзгаришлардан тортиб то ижтимоий тузум мазмунини ўзгартиришгача бўлган ҳаракатлардан мақсад, буларнинг ҳаммаси, табиийки, ижтимоий муносабатлар сифатини ўзлаштиришни назарда тутлади.

Модомики, инсон ўз моҳиятини фаолиятда намоён қилар экан, шунинг учун уни фаолиятли мавжудот деб атайдилар. Шу маънода тадқиқотчилар инсон моҳиятини тарихан шартланган ижтимоий муносабатлар йигиндиси сифатида қараб чиқишга ҳаракат қиладилар. Кишиларнинг турмуш тарзи муайян даврда амал қилувчи ижтимоий муносабатларнинг бир хил белгилари орқали ифодаланишининг боиси шунда. Масалан, ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик ғояси ва ҳаракатини олиб кўрайлик. Улар айна ижтимоий муносабатларнинг етакчи жиҳатлари бўлиб, миллий турмуш тарзимизнинг муҳим белгилари ҳисобланади. Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келган. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа масалаларга доир жамотчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Шунинг учун ҳам "янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришда катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда"¹.

¹ Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 132.б

Шундай қилиб, турмуш шароитлари кишиларнинг нафақат ҳаётий фаолияти, балки, айти унинг бу фаолият кўламига сингиб бориши меъёрини ҳам белгилайди.

Кишилар фаолияти билан у кечадиган шароитлар ўртасидаги узвий ва изчил алоқадорликнинг бошқа жиҳатлари ҳам эътиборга олиниши зарур. Кишиларнинг ҳар қандай фаолияти теварак атрофии, турмуш шароитларини ўзгартиришга қаратилган фаолиятдир. Кишиларнинг онгли фаолияти билан муҳитнинг шаклланивчи таъсири, ҳаётий ҳолатлар, тарбия ўртасидаги чиддиятларни ҳал этиш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, кишилар фаолиятини маънавий омиллардан, идеаллардан, онгли тарздаги мақсадлар, мотивацияларидан ажратиб қўйиш мумкин эмас.

Мавжуд адабиётларда кишиларнинг меҳнат фаолиятидан қониқиш индексларини уларнинг у ёки бу соҳадаги ўз фаолиятлари натижалари билан ўлчаш масаласига кенг ўрин берилади. Тўғри, турмуш тарзини тушинишда кишиларнинг ўз фаолияти, масалан, меҳнати жараёнлари ва натижалари билан қониқишлари даражаси муҳим роль ўйнайди. Бирок шунинг эътибори билан қониқиш керакки бундай қониқиш меҳнат шароити, характери ва мазмунига ҳам бевосита боғлиқдир. Бинобарин, меҳнатнинг тури ва мазмунини танлашда шахс эркинлиги намоён бўлишини унутмаслик керак.

Бир нарса ҳар бир шахснинг индивидуал руҳияти, маънавий баркамоллиги, яхлитлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, шахснинг тўлақонлилиги ва баркамоллигини ижтимоий-маънавий асосларини таъминлаш унинг танлаш эркинлиги билан нечоғли таъминланганлигига боғлиқдир.

Шу боис шахснинг фаолият турларини эркин танлаши унинг доимий равишда такомиллашиб беришига маънавий йўл очади. Фақат меҳнат натижаларидан қониқишлик даражасининг ўзи ҳали турмуш тарзининг объектив кўрсаткичи бўла олмайди. Шўро замонида кишилар фақат формал жиҳатдан ана шундай қониқиш ҳосил қилганлар, чунки кечаётган меҳнат шахснинг ўзига қаратилмас, мафкуравий зўравонликка асосланган давлат

манфаати уни йўққа чиқарар эди, шунга кўра, бу нарса совет кишиларининг турмуш тарзида ҳам ўз аксини топган эди. Мустақиллик шароитида "инсоннинг ўз қобилятини, табиат ато этган иқтидори ва истеъдодини тўла намоён этиш учун, умуман эркин ижодий фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиш учун алоҳида эътибор берилмоқда"¹.

Шундай қилиб, кишиларнинг турмуш тарзини моддий ишлаб чиқариш, ижтимоий турмуш ва ижтимоий онг категориялари билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда тушуниш мумкин. Бу тушунчани таҳлил қилишни давом эттирар эканмиз, унда сифат ва микдор томонларнинг муносабати масаласи келиб чиқади.

Мустақиллик шароитида миллий турмуш тарзини тавсифлаганда, биринчи ўринда, табиийки, унинг ижтимоий йўналганликка асосланган сифат муайянлиги кўзга ташланади. Бу тафовутнинг негизида, масалан, мустақиллик шароитида эркин демократик ва бозор муносабатларига асосланган давлат тартиботи ва фуқаролик жамияти қурилишининг иқтисодий ва маънавий афзалликлари ётади.

Миллий турмуш тарзимизнинг собиқ тоталитар тузум турмуш тарзидан сифат жиҳатдан тафовути ижтимоий муносабатларнинг таркиби ва тизимида, жамият олдидаги истиқболли режалар мазмунида яққол намоён бўлади. Ишимизнинг кейинги бобида бу масалага алоҳида тўхталамиз.

Фалсафий қонуниятлардан аёнки, микдорсиз сифат бамисоли фикрсиз сўзга монанд - ҳар қандай ҳодиса ва жараённинг сифат муайянлиги уларнинг микдорий муайянлиги билан узвий боғланган бўлади. Ижтимоий-иқтисодий тузум турмуш тарзининг сифат томонидан ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражш II ва унга боғлиқ ҳолда истеъмол кўрсаткичлари микдорий жиҳатни пшшпради. Бу нарса (микдор) халқ фаровонлиги даражасида ўз ифодасини топади. Шу сабабли тадқиқотимизда масаланинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.- Т.: Ўзбекистон-1995 13-бет

биринчи томонини "хаёт сифати", иккинчи томонини "хаёт даражаси" деб ишлатишни маъқул деб оламиз..

"Хаёт даражаси"даги муайян ўзгаришлар турмуш тарзида туб ўзгаришларга олиб келмаслиги мумкин. Масалан, ўтган асрнинг 70-80 йилларида ягона социалистик лагерь таркибига кирган мамлакатлар турмуш тарзи турлича бўлганлиги сир эмас. Ягона иттифоқ-собик СССР аҳолиси турмуш даражасининг жуда ранг-баранг ва нотекис булганлигига ҳам тарих гувоҳ. Ишлаб чиқаришнинг бошқача ижтимоий тамойилларига асосланган мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасидаги тафовутлар ҳам худди шундай. Шуингдек, қишлоқ билан шаҳар турмуш даражасини олиб кўрайлик. Бу соҳада маълум номувофиқликларнинг мавжудлиги ҳаммага равшан. Бу ҳолат макромухит миқёсларида ҳам, муайян мамлакат доирасида ҳам кўзга ташланиб туради. Турмуш даражаси тинмай ошиб борса ҳам, моҳиятан турмуш тарзи жуда кам ўзгариши ҳолатларини кўришимиз мумкин. Шу боисдан ҳаёт даражаси категорияси турмуш тарзига нисбатан динамик табиатга эга. Турмуш тарзи эса статик хусусиятни намоён этади.

Ўзбек халқининг узок йиллик тарихи даврида турмуш даражаси кўп жиҳатдан ўзгарган бўлса ҳам, униш турмуш тарзининг асосий тамойиллари, моҳияти кам ўзгарган. Бироқ, бу ҳолат ҳаёт даражаси турмуш тарзига таъсир кўрсатмайди, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Ҳаёт даражаси турмуш тарзининг тизимий белгилари шаклига, тартибларига, кўринишларига ўз таъсирини ўтказиб туради. Бинобарин, турмуш тарзини ривожлантириш учун халқ фаровонлигини тинмай ошириб бориш лозим. Айни вақтда, фаровонликнинг ошиши кишиларнинг маънавий тараққиётига, уларнинг ахлоқий ривожланишига, турмуш тарзини мукаммаллашувига олиб келади.

Фанда турмуш тарзининг турли андозалари (моделлари) ҳақидаги масала ҳам ўртага қўйилади. Бизнингча, турмуш тарзини белгилаганда уни киши ҳаётининг фаолиятининг энг муҳим белгилари тизими сифатида олиб қараш тўғри бўлади. Бу фаолиятнинг асосий соҳалари қуйидагилардан иборатдир: меҳнат фаолияти; истеъмол, ҳордиқ, халқ саломатлиги; маориф ва маданият;

ижтимоий сиёсий фаолият ва х.к. Турмуш тарзининг бу томонлари ўз тизимига кўра, муайян ҳаёт даражаларини тақозо қилади.

Умуман олганда ҳаёт даражаси, турмуш тарзи муаммолари бутун мамлакат микёсида алоҳида олиб талқин этилса, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, минтакалар, жамият, турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар, алоҳида шахслар бўйича ҳам юз бериши мумкин. Бу турмуш тарзи субъекти ҳақидаги масалани келтириб чиқаради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, турмуш тарзининг субъекти - кишилар, алоҳида индивидлар эканлиги равшан. Муаммонинг ана шу жиҳатини тарихий-социологик таҳлил этадиган бўлсак, ҳамма тарихий даврларда турмуш тарзи кишиларнинг миллий, этник хоссалари билан ўзаро узвий боғланган бўлади.

Турмуш тарзи қандай даражада бўлмасин, "субъективлик" белгиларидан ташқари бўла олмайди. Унда қандайдир умумий ва алоҳида жиҳат-ларни ажра-тиб кўрсатиш мумкин. Турмуш тарзининг турлича ижтимоий уюшганлик даражалари ўзида шу гуруҳ ёки уюшмаларга хос томонларни конкрет намоён этиши билан фарқ қилади. Масалан, синф турмуш тарзида шахеникига қараганда умумий белгилар нисбатан кўпроқдир, табиийки, синфлар турмуш тарзи субъектлари сифатида ўзига хос муайян бирликни намоён этади, унда шахслар ижтимоий йиғилмавий куч сифатида бирлашади. Бирок синфларнинг турмуш тарзи жамият турмуш тарзи билан айнан бир нарса эмас. Жамият бу ерда унинг шаклланиш ва ривожланиши учун муҳит бўлиб хизмат қилади. Мустақилликка эришган республикамизда миллий турмуш тарзимизнинг субъектлари бўлган жамият, синфлар, ижтимоий гуруҳлар, шахслар ҳаётида туб сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Бу ўзгаришларнинг турмуш тарзи муҳим жиҳатларини аниқроқ тасаввур этиш учун жамият турмуш тарзи, синфлар турмуш тарзи, шахс турмуш тарзи тушунчалари мазмуни ва моҳиятини аниқлаб олиш зарур.

Жамиятнинг турмуш тарзи тушунчаси унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий моҳиятини ифода этади. Шунга мувофиқ ҳолда,

жамият тизимида хилма-хилликларни келтириб чиқаради. Жамиятнинг умумий турмуш тарзига синфлар ва ижтимоий табақалар турмуш тарзининг яқин келиши ҳамда мувофиқлик даражаси мамлакатдаги ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлашда катта аҳамият касб этади. Синфлар жамият социал структурасининг муҳим элементи бўлганлиги учун улар турмуш тарзининг "ижтимоий" табиати устивор мазмун касб этади. У, бир томондан, жамият турмуш тарзининг таркибий қисми, бошқа томондан, синфларнинг муносабати мазмуний хусусиятларини ифода этади.

Жамият турмуш тарзи структурасида алоҳида кишилар-шахслар турмуш тарзининг ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Бунинг маъноси шуки, шахс турмушида ҳаётий фаолиятларнинг барча шакллари, хусусиятлари конкрет шаклланган бўлади. Жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучлари бўлмиш шахслар моддий ва номоддий бойликлар яратиш жараёнлари билан бевосита алоқада бўлади. Шахслар умуман жамият аъзолари сифатида, хусусан синф ва ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари сифатида "ижтимоий майдон"да ўз турмуш тарзини, яшаш тамойилларини рўёбга чиқарадилар, уларнинг ҳаётий фаолиятларида муайян эҳтиёжлар тизими индивидуал фазилатлар, касбий ма малака ва шахсий хусусиятлар омил вазифасини бажаради.

Турмуш тарзини кўп даражали феномен сифатида эътироф этган ҳолда, биз ўзимизни асосий эътиборимизни шахсларнинг турмуш тарзига қарапишмиз лозим. Бизнингча, бу масаланинг устивор аҳамият касб этишининг асосий сабаби шундаки, синф ёхуд ижтимоий табақа бўладими, жамият доирасида уларнинг турмуш тарзи шахс фаолиятисиз амалга ошмайди, шу маънода турмуш тарзи мавҳум тушунча эмас, балки ҳамма вақт конкрет ҳаёт ифодасидир. Бундан ташқари, шахсларнинг турмуш тарзида миллат ва элатнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари, руҳий фазилатлари, мақсадлари гавдаланади.

Адабиётларда ишлаб чиқариш жараёни ҳақида сўз борганда, уни жамиятнинг иқтисодий асоси деб тушуниш одат тусига кирган. Шахс

даражасида ишлаб чиқариш усули билан турмуш тарзи ўртасидаги алоқадорлик қараб чиқилганда, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий техникавий усули масаласига кам эътибор берилади. Биз тилга олган ижтимоий-техникавий ишлаб чиқариш усули бу - шахсларнинг жисмоний ишлаб чиқариш учун зарурий воситалари, уларнинг хусусиятларини кўзда тутди. Айтайлик, ҳозирги замон уй-жой қурилиши индустрияси ибтидоий жамоа кишиси истиқомат қилган масканлардан тубдан фарк қилади. Албатта, бу тафовут остида икки хил ҳаёт воситалари - ишлаб чиқариш техникасининг турлича даражадаги воситаларига асосланганидир. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти негизини ташкил этувчи ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилик шакли, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги алоқадорлик шаклини белгилайди. У турмуш тарзи шаклланишида муҳит ҳисобланса-да, турмуш тарзининг конкрет намоён бўлишини ҳам, унинг сифат муайянлигини ҳам, социал моҳиятини ҳам белгилайди. Конкрет шахслар - индивидлар турмуш тарзини таркиб топтирувчи нарса ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-техникавий усулидир.

Шахслар ўзлари ўзлаштирадиган воситаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш (меҳнат)ни ташкил этишнинг муайян ижтимоий-техникавий усулини яратади, бу нарса эса ўз навбатида, кишиларнинг янги ҳаётий фаолият турлари, муайян фаровонлик ҳолатлари билан бойиган турмуш тарзи манзарасини ҳосил қилади.

Шундай қилиб, шахсларнинг турмуш тарзи муайян яхлит тизим сифатида шарт-шароитлар, шаклланиш жараёнларига бевосита боғлиқдир. Шахслар даражасидаги турмуш тарзининг ўзига хос белгилари шундаки, у жамиятнинг иқтисодий ҳаёти шароитлари билан шартланадиган ва айни вақтда ўз тақомилида муайян мустақил иш тутадиган, режа ва ижро жараёнларини назорат қилувчи шахс фаолиятини ифода этади. У кундалик ҳаётий фаолият билан бевосита боғланган ва айни пайтда турли омилларнинг таъсирида бўлади. Бу омилларнинг таркибига қуйидагилар

киради: эгалланган мутахассисликнинг ўзига хослиги; интеллектуал ва маънавий-маданий камолат даражасининг хусусиятлари; шахснинг моддий таъминланганлик ҳолати; миллий анъаналар, урф-одатлар; оилавий ҳаётий муҳит, турмуш шароитининг ғабий-иқлимий ва географик хусусиятлари ва х.к.

Бундан ташқари, турмуш тарзининг мазмуни шахсларнинг субъектив фазилатларига ҳам боғлиқ бўлиб, бу фазилатлар жумласига кишиларнинг иродаси, эҳтиёжлари, манфаатлари, дидлари, майллари, индивидуал яшаш кабиларни киритиш мумкин. Шахсларнинг турмуш тарзида уларнинг, одатий ҳатти-ҳаракатларини меъёрлаштириб турувчи омиллар билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий-табиий ҳолатлар, урушлар, табиий катаклизмалар тадқиқот предмети доирасига киритилмади.

Шундай қилиб, жамият ва синфлар турмуш тарзи умуман уларнинг меҳнат фаолиятлари усулига нечоғли мувофиқ келса, жамият аъзолари, шахсларнинг ҳаёт тарзи ҳам уларнинг конкрет ҳаётий фаолиятлари мазмунига монандлик, мувофиқлик даражаси ҳам ўзаро муносабибликда уйғун тарзда кечади. Хуллас, турмуш тарзи тарихий-фалсафий категория бўлиб, кишиларнинг ўтмишда, ҳозирда ва келажакда реал амал қилувчи ҳаётий фаолиятдир. Демак, турмуш тарзи илмий категория сифатида жамият тараққиётини ҳар томонлама ва яхлит ифода этади, ўз функцияларини бажариш асосида инсонларнинг кўп қирралари фаолияти. Барча ютуқлари ва суаммоларини қамраб олади ҳамда уларнинг намоён бўлиши учун шароитлар яратади. Шу боисдан турмуш тарзи бозор шароитларидан оқилона фойдаланиш асосида аҳоли интеллектуал-маънавий тараққиёт даражасини мунтазам ошириб бориш-ҳозирги даврнинг долзарб вазифаси, замона тақозосидир.

1.2. Турмуш тарзи ва ижтимоий тараққиёт.

Юқорида турмуш тарзи ҳақида билдирилган умумий, илмий, назарий фикрлар, қарашлар, нуқтаи-назарлар ҳамда уларнинг таҳлили мазкур муаммони яхлит ва тизимий тасаввур этиш имкониятини ойдинлаштиради. Бу ерда ўзбек халқи турмуш тарзи тушунчаси, таркибий тузилмалари, тизимий белгилари, юксалиш хусусиятлари тўғрисида тўхтаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бинобарин, ўзбек халқининг миллий турмуш тарзи масалалари ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ва мазмунан ранг-баранг эканлигини инобатга олиб, биз кўпроқ унинг шаклланиш босқичлари ҳамда таркибий тузилмалари хусусиятларини очишга эътибор қаратамиз.

Илмий адабиётларда ўзбек миллий турмуш тарзи мавзусининг кўпроқ ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги тарбиявий-дидактик ўрни ва аҳамиятини ёритишга алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, собиқ СССР даврида "социалистик турмуш тарзини сингдириш масаласи ўша давр ғоявий-сиёсий тарбияси тизими, хусусан мафкурасида асосий ўрин эгаллаб келган ҳамда турмуш тарзи ҳодисасининг марказий бўғини ҳисобланувчи, муайян миллатга хос хусусиятлар, менталитетга дойр белгилар илмий тадқиқотлар предметлари доирасидан четда қолдирилган эди. Ушайиллардаги илмий изланишлар асосан "совет халқи" деган сунъий ибора орқали фуқаролар бирлигининг ютуқлари, фазилатлари ва умуман афзаллик томонларини ўрганиш билан чекланган ҳамда бир томонлама тарғибот қилишдан иборат эди. Ана шу изланишларда, биринчидан, турмуш тарзининг асл моҳияти очиқ берилмас, балки унинг мазмун доираси мафкуравий тузум ва сиёсийлашган жамият доираси билан тенглаштирилди, яъни турмуш тарзи ва мафкуралашган жамият ўртасида ҳеч қандай мантиқий тафовутлар йўқлиги тўғрисида фикрлар билдирилиб келинади. Шу тариқа, турмуш тарзи феноменининг моҳияти ғайри илмийлик касб этарди.

Иккинчидан, социалистик турмуш тарзи масалаларига «миллий турмуш тарзи» гушунчаси сунъий сингдирилган эди. Шу тариқа собиқ СССРдаги барча миллатлар учун ягона умумий сунъий аквариум - муштарак турмуш тарзи вужудга келтирилди. Тўқиб чиқарилган ана шу феномен социалистик турмуш тарзидир, деган илмий ақидани оммалаш-тириш тенденцияси рағбатлантириб келинди. Шунини таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар ёнма-ён, бир иктисодий макон ҳамда ижтимоий-сиёсий замон муҳотида турмуш кечириб, муайян такомил босқичида бўлган турли миллат вакилларида мазмунан ўзаро яқин, муштарак турмуш тарзи қарор топиши табиий бир ҳолдир. Аммо шу билан бирга, ҳар бир халқнинг, миллатнинг ҳам ўзига хос яшаш тарзи расм-русумлари, орзу-интилишлари, фикрлаш ва тафаккур бирлиги, маънавий ҳаёти, ғурури ва ифтихор манбалари бўладик, бунини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Умуман совет мафкурачилари томонидан "миллийлик" тушунчаси "байналминаллик" тушунчасига тўла бўйсундирилгани учун миллий турмуш тарзи назарий ҳамда амалий жиҳатдан камситилиб келинди. Бу билан ўзбек халқи миллий турмуш тарзининг маънавий асосларигагина эмас, балки унинг моддий негизларига ҳам салбий таъсир ўтказиб келинди. Оммавий равишда кўкларга кўтариб мақталган социалистик турмуш тарзининг иктисодий ва маънавий асослари турли зиддиятларга тўла эди. Унда илм-фан тараққиёти, натижаларидан самарасиз фойдаланиш, меҳнат жараёнини ташкил этишда укувсизлик, ялпи тартибсизлик ходимлар лоқайдлиги ҳамда боқимандалик кайфиятларини келтириб чиқарар, бунинг оқибатида умумий масъулиятсизлик, бошқаришда маъмуриятчилик устивор ўрин тутар, ўзаро ҳамкорлик, ворислик анъаналари истисно қилинар, миқдорнинг сифат билан уйғунлашмаганлиги ҳамда унга нисбатан тез ўсиши каби долзарб муаммоларнинг ечими четлаб ўтилди. Давлат кишилар онгида социалистик тузум шароитида ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулот ижтимоий жиҳатдан фойдали, деган ялпи сунъий тасаввурни ҳосил қилади, ҳам маънавий, ҳам иктисодий масъулиятсизликни

келтириб чиқаради, ишлаб чиқаришда ортиқча сарф-харажатларнинг кўпайиб кетишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш жараёнини чуқур таҳлил қилмасдан, бу борадаги иллатларни очиб ташламасдан, йўқни бор қилиб кўрсатиш давлат сиёсатида айлангани сабабли аҳолининг меҳнатга муносабати бир томонлама, стихияли шаклланди. Натижада кўзбўямачилик, таниш-билишчилик авж олди. Таркиб топган сохта социалистик тамойиллар ҳаётда ёлғондакам тасаввурларни юзага келтирди, ижтимоий адолат меъёрлари эса емирилди.¹

Социалистик турмуш тарзига ҳос бўлган реал ҳаётий заминдан маҳрумлик, тадрийжий равишда табиий илгарилаб боришга тўсиқ бўлувчи омиллар жамиятнинг маънавий асосларига ҳам жиддий зарар келтирди. Энг аввало, миллатларнинг ўзига ҳос ижтимоий тараққиёти қонуниятларини тан олмаслик, тил ва маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви ва бора-бора қўшилиб кетиши, пировард натижада ягона совет халқи юзага келиши ҳақидаги ақидалар турмуш тарзининг асослари ҳисобланган миллий маданиятлар, миллий тиллар, миллий анъаналар равнакига кескин зарба берди.

Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий турмуш тарзини моҳият эътиборига кўра тиклаш ва уни янада ривожлантириш йўллариини белгилашда истиқлол берган имконият ва шарт-шароитлар объектив аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда бошқа мамлакатлар тажрибасига кўр-кўрона эргашиш йўлидан бормади. Миллий менталитетимиз ҳамда реал тарихий ва геополитик шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўзимизга мос йўлни топиб, миллий турмуш тарзини ривожлантиришнинг аниқ илмий асосланган имкониятларига эришдик. Бозор иқтисодиётига ўтишда ўзбекона йўл, бир томондан, халқимизнинг тарихий анъаналари, яратилаётган иқтисодий, маънавий ҳамда экологик муҳитнинг турмуш тарзига мос бўлиши,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 30 б

иккинчи томондан шу туфайли таркиб топаётган турмуш тарзи фукаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини яратиб бериши керак.

Тартиб ва аниқ режага қурилган бозор муносабатлари ҳозирги шароитда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга, манфаатдорлик ва унутиб юборилган мулкка эгалик туйғусини қайта тиклаш ва ривожлантиришга кучли таъсир кўрсатмоқда. Айни вақтда, ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан халқ фаровонлигини вужудга келтирмайди, балки унинг учун зарур иқтисодий ва ижтимоий маънавий шарт-шароитлар ва замин яратади, холос. Хўжалик юритувчи ишлаб чиқаришга сафарбар этилган барча субъектларнинг ижодий қобилиятларининг рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "бизнинг ҳамма ишларимизда - бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларни белгилаб олиш бўладими - буларнинг барчасида биз учун факат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манфаатларининг устуворлигидир.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб бориш бўйича бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шундан иборат. Шу сабабли барча режаларимиз, ресурс ва имкониятларимиз пировард натижада ана шу бош мақсадимизни амалга оширишга қаратилмоғи керак"¹.

Дарқақиқат, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт - мураккаб таркибий тузилмалардан иборат кўпқиррали иқтисодиётдир. Агар бозор ишлаб

¹ Каримов И.А. инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир //Халқ сўзи, 2008,8 феврал

чикаришии одамларнинг ўсиб ва мутассил ўзгариб турувчи эҳтиёжларига энг юқори даражада йўналтиришни таъминлашда муҳим механизм бўлса, давлат барқарорлик, муҳофаза ва ижтимоий адолатни амалда таъминлашнинг меъёри ва асосий кафолатчиси ҳисобланади.

Бозор муносабатлари тизимида иқтисодий-ижтимоий жараёнлар-нинг кечиши одамларнинг интеллектуал даражаси, маънавий оламига кўп жihatлардан богликдир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи миллий турмуш тарзининг мохияти ва ички мазмунини ёритишда халқ ижтимоий руҳий портретидаги ижобий ва салбий ҳодисаларни ҳисобга олиш муҳимдир. Бинобарин, қадимий ва бой тарихга эга ўзбек халқининг ўзига хос турмуш тарзи асрлар оша таркиб топиб, шаклланганлиги боис, ўзининг узок йиллик тарихи давомида турли халқлар билан ўзаро муносабатга киришганлиги ўша халқлар менталитети таъсирини ўзлаштирганлиги ҳолатларини ҳисобга олмай туриб, миллий турмуш тарзини таҳлил қилиш юзаки бўлиб қолади. Янги сиёсий, ижтимоий-тарихий шароитда ўзбек миллий турмуш тарзи хусусиятларидан бири ижтимоий ва маиший ҳатти-ҳаракатларнинг шарқона руҳий-психологик, одоб-ахлоқ меъёрларида асосланганлиги, расм-русмлар, анъаналар ҳамда урф-одатларнинг устувор мавқ касб этишидир. Шарқ халқларининг ҳис-туйғулари, ҳаётий тушунчалари, ўзаро муносабатлари бошқа халқларнинг ҳаётий жараёнларидан кескин фақат ҳам қилади. Шу боисдан "шарқона" ёндашув сўзининг халқаро ва маҳаллий маънода қўлланилишида катта маъжозий мазмун яширинганлиги бежиз эмас.

Шарқона турмуш тарзи ички ишончга йўғирилган қаноат ва шукроналик, сермулоҳазалилик ва андишалилик, анъанавийлик, табиатга яқинлик, табиий ва инсоний тамойилларга уйғунлик, қадр-киммат, ор-номус масалаларининг муқаддаслиги ва устиворлиги ўзига хос жозибадор расм-русмлар ва урф-одатларнинг барқарорлиги негизида намоён бўлади. Шарқона турмуш тарзининг санаб ўтилган энг муҳим белгилари халқ ҳаётида ўзига хос намоён бўлади. Бунда ўзаро яқин алоқада бўлиш, мустаҳкам қўшничилик муносабатларини сақлаш, хусусан, маълум этник

ёки минтақавий гуруҳларга мансубликнинг роли ва аҳамияти алоҳида ўрин тутadi. Масалан, туркий халқлар ҳаётида ўрин олган ўзига хосликлар хитой, корейс, япон ҳилкларианикидан, табиийки, фарк килади. Ҳатто туркий тилли халқлар оилага мамсуб миллат ва элатларнинг ҳам ўзига хос ривожланиш йўли ва асрлар оша қарор топган турмуш тарзида бундай жиҳатлар амал килади. Туркий халқлар оиласига мансуб Туркия ва Ўзбекистон туб жой аҳолиси ҳаётини солиштирадиган бўлсак, улардаги фарқлар кўзга яққол ташланиб туради, лекин улар ўртасидаги умумийлик, яқинлик, мавжуд фарқлардан устунрок ўрин тутadi. Зеро, умумтуркий рух, тиллар яқинлиги шарқона ва мусулмонча турмуш тарзи аломатлари икки халқни ягона бир оилада олиб кирувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, турк ва ўзбек халқлари ўртасида маълум фарқлар ҳам борки, уларни инобатга олиш ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзини белгилашда аҳамиятга моликдир. Бу фарқлар, биринчи навбатда, Туркия ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши ўртасидаги фарқлар билан белгиланса, иккинчидан, турк халқи турмуш тарзида ўзбек халқиникига нисбатан ғарбнинг таъсири кучли эканлигини сезиш қийин эмас. Туркия шарқ мамлакати, лекин шу билан бирга, тақдир тақозоси билан шарқ мамлакатлари ичида ғарб таъсирини энг кўп даражада ўзига сингдирган мамлакатдир. Шунинг учун ҳам турк халқи турмуш тарзида шарқ ва ғарбнинг яшаш тамойиллари уйғунлашиб кетади.

Турк олими Зиё Гўкали бу ҳақда қуйидагича ёзган эди: "турклар ўз ижтимоий такомилларининг уҳта алоҳида-алоҳида босқичларида бир-бирларига ухшамаган уч хил маданият доирасига киришиш тақозоси олдида колган эдилар. Турклар, уругчилик давлат тузуми даврида яшаганларида Узок Шарқ маданиятига мансуб эдилар. Султонлик давлати даврига ўтилгандан эса Шарқ маданиятига киришишга мажбур бўлдилар. Бугунги кунда миллий давлат даврида ҳам (туркларнинг) ичида Ғарб маданиятига

кира олишга йўналтирилган кудратли бир жараённинг вужудга келганлигини кўрамиз"¹

Марказий Осиё халқларидан ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз халқлари хусусиятларини оладиган бўлсак, асрлар оша бир ижтимоий тузум шароитида яшаши, иқтисодий, сиёсий, маънавий ғояларнинг умумийлиги, ундан ташқари, бу халқларнинг қўни-қўшнилиги, ҳаёт йўли, тақдиридаги муштараклик, шарқона ва мусулмонча турмуш тарзидаги яқинлик уларни бирлаштиришга олиб келган. Шу билан бирга, бу халқларнинг ҳар бирида ўзига хос турмуш тарзи аломатлари мавжудлигига дуч келамиз. Мана шунда миллийлик деган сўз ўз жозибасини намоён қила бошлайди. Ҳеч бўлмаганда юздан бир фарқни оладиган бўлсак, руҳият билан боғлиқ фарқлар, чунончи, ўзбекларда ҳокисорлик, тожикларда қизикконлик, қозоқларда чўрткесарлик, туркманларда орийатлилик, қирғизларда ҳам шунга ўхшаш жиҳатлар бўртиб туришини кузатиш мумкин.

Турмуш тарзини ўрганишда умумийликдан хусусийлик, умуминсонийликдан миллийлик томон, яъни шарқона ҳаёт, ундан Марказий Осиё халқлари турмуш тарзига тўхташ ва, ниҳоят, ўзбек миллий турмуш тарзи ҳақида фикр юритиш тадқиқот мантиғига тўғри келади. Бинобарин, Шарқона турмуш тарзи бутун шарқ халқлари маданий оламига мансублик билан характерланса, мусулмонча турмуш тарзи ислом динига мансуб халқлар ҳаёти билан алоқадорликни ифодаласа, Марказий Осиё халқлари турмуш тарзига хос умумий белгилар эса ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқларининг бир хил иқтисодий-сиёсий шароитда умр кечириб, деярли бир хил жараёнларда иштироқ этишлари заминида таркиб топган. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов куйидагиларни ёзган эди: "Бизнинг ота-боболаримиз: "Бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир" деб ўтганлар. Яхши-ёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар,

¹ Гўкали Зиё Туркчилик асослари.-Т.: Ўзбекистон.-1994.-34-бет.

босқинчи ёвларга қарши бирга курашганлар, дўстлик бурчига ҳамиша содиқ қолганлар"¹.

Бугунги кунда мустақиллик ва бозор муносабатлари туфайли ҳар бир халқ фаолиятида мавжуд иқтисодий макон талаблари доирасида ҳозирги даврга хос

Бўлган минтақавий ўзига хосликлар ривожланмокда. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, ҳунармандчиликнинг янги кўринишлари кенг ёйилмокда, н.п плаща уларнинг фикрлаши, ҳаракати, муносабатларида ҳам муайян ўзгаришлар юз бермокда.

Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамияти оиласига кириб бориши турмуш тарзи мазмунига ҳам муайян ўзгаришлар олиб кириши табиий. Ҳаёт кўрсатяптики, кириб келаётган ўзгаришларнинг халқимиз турмуш тарзига мувофиқлиги масаласини жиддий ўйлаб кўриш, ижтимоий зарарли, миллатимиз мснталитетига мое бўлмаган хусусиятларнинг сукулиб киришига йўл кўймаслик зарур. Собиқ СССР даврида ёзилган кўпгина асарларда Ўрта Осиё Республикаларидаги ҳаёт, яъни унинг иқтисодиёти, маданияти, маърифати, турмуш тарзи ва бошқа томонлари асосан нотўғри ақидалар асосида баҳоланди, барча расм-русм ва удумларнинг бир томондан миллий, иккинчи томондан, диний маъно касб этиши умуман эътибордан четда қолди эмас,балки кораланди. И.А.Каримов таъкидлаганидек, "дин ва диний эътиқдд бутун рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканни биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча аерлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган кддриятлар-бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёкм маънакий мерос бўладими, ахлоқ ва анъаналар бўладими, миллий дунёқараш ва ёки турмуш тарзи бўладими-буларнинг барчасини рад этади. Натижада одамзот утиши ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойлепоридан маҳрум бўлиб,

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир.3 том.-Т.: Ўзбекистон,1996.167-бет

"шўро дохийлари" айтганидек, улкан давлат машипасиинг "винтчаси"га айланади. Охир-оқибатда бундай одам ота-онаоикм ҳам,ў» миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган анянчли ҳолатга тушиб қолади.¹ У даврда фақат коммунистик мафкуравий жиҳатдан ижобий саналган ҳодисаларгина кенг ташвиқ этилишга ҳақли деб ҳисобланди. Бу нарса,табиийки, халқлар турмуш тарзининг моддий ва маънавий асосларига жиддий зарар келтирди.

Шундай қилиб, турмуш тарзи кечадиган объектив ҳолат ва жараёнларнинг миллий омилларига умуман эътибор берилмади, масалан уй-жойлар қуришда маҳаллий шароитлар инобатга олинмади, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда унинг аънавий шакллари менсимаслик ҳукмронлик қилди. Ундан ташқари, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг "саводсизлиги", "маданиятсизлиги" ҳақида нописандлик билан тарғибот юргизилди. Ваҳоланки, республикаимиз ҳудудида қадимдан таълим ва маърифат амал қилиш ҳодисаларидан очикчасига кўз юмилди. Мактаблар, мадрасаларда диний таълим, илоҳий эътиқод манбалари билан бирга, дунёвий билимлар ўқитилганлиги сир эмас. Таълим мазмуни тизими, унинг моҳият, воситалари муайян давр тақозоси, макон ва замон талаблари доирасида ривож топганлиги маълум. Эътибор берилса, миллий турмуш тарзимизнинг муҳим жиҳати ҳисобланмиш таълим тизими ўтмишда ҳозиргига нисбатан торроқ бўлса-да, моҳиятан ўша давр талабларига тўлиқ жавоб берар эди.

Ўрта асрлар таълим тизимини такомиллаштириш, дунёвий ва диний билимлар мутаносиблигини таъминлаш борасида мутафаккирларимиз Форобий, Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий асарларида муфассал маълумотларга дуч келамиз. Хусусан, Алишер Навоий устоз Жомийга мадрасагача мактаб ўқувчилари учун мусиқани ўргатишга мўлжалланган оддий, содда ва равои тилда ноталар шарҳини ёзишни

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. 93-94 бет.

маслаҳат беради, асар битганидан сўнг Хуросоннинг барча мактабларида ундан сабоқ берилишини ўз назоратига олади.

Президентимиз И.А.Каримов таълимнинг халқимиз маънавияти, турмуш тарзи соҳаларига яратувчан фаоллик бахш этиши ҳақида тўхталиб, "Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати, узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади"¹ - деб ёзган эди. Бошқа томондан, "таълим ва тирбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириши мумкин эмас"² .

Халқимиз қадимдан ўз фарзандларига "яхши ном кўйиш, яхши муаллим купит топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-хунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилиш"¹ ни ҳаётий фаолиятининг асо-сига кўйган.

Албатта, тарбияда ота-она ибрати, ота-она масъулияти барча халқлар, барча замонлар учун муштарак аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий кадриятдир. Аммо бу муштарак, умумий, хал этилиши зарурий муаммо турли чамонларда турли халқларда ўзига хос қимматга эга бўлган, турли хил кўринишларда ўз ифодасини топган. Ўзбек халқи учун бу муаммонинг ечими тарихда миллий кадрият даражасига кутарилган ва турмуш тарзимизнинг муҳим қисмига айланган. Бу мураккаб жараённинг содир бўлишида, аввало, давлатнинг таълим-тарбиядан манфаатдорлиги, соғлом муҳитнинг шаклланиши, оиланинг иқтисодий ва маънавий заминлари билан боғлиқ масалалар турмуш тарзига ижобий таъсир қилиб келган.

"Оила жамиятнинг негизи,- дейди И.А.Каримов, - оила турмуш ва виждон конунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон.-1998, 62-6.

² Каримов И.А. Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараккиет гарови.

¹ Каримов И.А. Барқимол авлод - Ўзбекистон тараккиетининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 1998 -63 б.

маънавият таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади.

Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, кўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавият, кадрият, инсон калбининг гавҳаридир"².

Оилаларда болаларнинг кўплиги ҳам ўзбек миллий турмуш тарзининг муҳим белгиларидан биридир. Тўғри, умуман Шарқда, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида кўп болалилик азалий ижтимоий-тарихий анъана, одат саналган. Ўзбек оилалари учун тарихан кўп болалилик кандайдир гурур ва ифтихор саналган. Дарҳақиқат, аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги Ўрта Осиё тарихини ойдинлаштирувчи мураккаб демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Россия ва Белорусда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар аҳолининг 24 фоизидан сап кўпроғини, Козоғистонда 33,2 фоизни, Ўзбекистонда эса 43,1 фоизни ташкил қилади. Республикада оиланинг ўртача сони 5,5 кишидан иборат, бир канча вилоятларда эса 6 кишидан ошади, ваҳоланки, бу кўрсаткич МДХнинг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташкил қилади¹.

Ўзбек халқининг миллий турмуш тарзидаги ўзига хос аломатлари ҳақида ўйлаганда, тарихан шаклланган ва барқарор давом этиб келаётган яна бир миллий ўзига хосликни тилга олиш мумкин. Бу одамларнинг янгиликларга, туб ўзгаришларга ҳурмат ва айни чоғда эҳтиёткорона муносабатда бўлишлигидир. Шу жиҳатдан ўзбек халқи нафақат янгиликларга ўч рус, француз, грузин, арман, озарбайжон ёки бошқа халқлардан, балки кўшни қон-қариндош Осиё халқларидан ҳам фарқ қилади.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 21-6.

¹ Ўша жойда. 91- б.

Урф-одатларнинг устивор томонлари шундаки, улар ҳар қандай шароитда халқни бирлаштиришга хизмат қилади, барқарор руҳий мувозанатни таъминлайди, меҳнатсеварликка, бунёдкорликка чорлайди ва х.к. Бу нарса ўзбек халқи турмуш тарзининг ички барқарорлигидан далолат беради. Турмуш тарзига бирор-бир янгиликнинг сингиши гап-сўз, ташвиқот, зўрлик билан эмас, балки аста-секин одатланиш тарзида кечиши мумкин. Бу ҳолат, албатта, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси ўртасида бирмунча фарқ қилади. Шаҳар аҳолиси янгиликларга нисбатан тез берилувчан, қишлоқда эса бу жараён аста-секинлик билан кечади. Одамларнинг янгиликларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашишлари- нинг ноижобий томонлари ҳам йўқ эмас. Агар янгиликлар ижобий, зарурий бўлса, уларни халқ онгига, турмуш тарзига сингдириш жараёни узокроқ кечади. Бу сабр-қаноатни, ўйлаб иш қилишни, таъсирчан воситаларни ишга солишни тақозо қилади.

Бозор иктисодиёти ҳақидаги тасаввурларни, бозор маданияти, харидор маданияти, тадбиркорлик маданиятини одамлар онгига сингдириш, бозор Мемснтлари билан уларнинг тафаккурини ҳар тамонлама бойитиш орқали турмуш тарзини қарор топтириш турли омиллар билан боғлангандир. Чунончи, бунда таълим-тарбияга баъзан лоқайдлик, бойлик орттириш йўлида кадр-қимматга путур етказиш, кўп ҳолларда маданий меросни юзаки тушуниш ва бошқалар. Энг хавфли томони, шахслар фаолиятида моддий томоннинг маънавиятдан узилиб қолиш ҳолатларидир. Ҳолбуки, "моддий оламни бамисоли парвоз қилаётган кушнинг икки қанотига қиёслаш" мумкин," ана шу икки омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади"¹

Президентимизнинг республикамиз барча вилоятлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган кўплаб нутқларида бундай

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - жамият тараккивтининг асоси. 67-6.

номутаносибликнинг аянчли натижалари очиб ташланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бозор муносабатлари қарор топиши шароитида моддият билан маънавият ўртасидаги бундай номутаносиблик билан соғлом турмуш тарзи ўртасида маълум зиддиятлар келиб чиқиши мумкин. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос тартиб ва қонуниятлари борки, уларни билиш ва уларга амал қилиш ўта зарур. Булар ҳозирги шароитда фуқаролар ижодкорлиги, ташаббускорлиги, уддабуронлиги, юксак маҳорати ва бошқа маънавий фазилатлари билан богликдир.

Ўзбек халқи турмуш тарзидаги миллий ўзига хослик аломатларидан яна бири - бу туб аҳолининг она-ерга мухаббати, томорқа хўжалиги билан банд бўлишда фаоллигидир. Бу, бир томондан, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан

кўпроғининг қишлоқларда яшаши, азалдан деҳқончилик билан шугулланиб келиши, деҳқончиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллаб олиши ва ниҳоят, туриш-турмуши, рисқи-рўзи ер билан богланганлиги билан исботланади. Ерга тер тўкиб меҳнат қилиб, турли-туман экинларни меҳр билан парваришлаш, моддий неъматлар етиштириш ва шу йўл билан оила тебратиш, фарзандларни ўстириш каби вазифалар турмуш тарзининг ўзига хос ижобий фазилатларидир.

Совет даврида қишлоқ аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда қолиб келганлиги маълум. Бир томондан, қишлоқ меҳнаткашларига ўз томоркасида ишлашдек имконият чеклаб қўйилди, иккинчи томондан, меҳнатга муносабат, деҳқончилик маданияти, ворисийлик анъаналари илдизига болта урилди.

Жамиятнинг маъмурий буйруқбозлик тизими аҳолининг хўжалик фаолиятида катта тўскинликлар яратди, маҳаллий кадрлар ролини камситишга олиб келди ва, энг муҳими, республикада ишлаб чиқариш бир ёкдама ташкил этилиб, факат хом ашёнинг кенгайиб боришига асосланган эди.

Мустақилликка эришилгач, Президент фармонлари, аввало, аҳолининг томорқа ерларини кенгайтириш учун шароит яратди, деҳқонлар меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, билим ва маданиятини юксалтиришда катта имкониятларга эга бўлди.

Ўзбек халқи миллий турмуш тарзида ижтимоий адолат принципи кенг ўрин эгаллайди. Ҳукукий давлатни барпо этиш халқнинг асрий орзуси бўлиб, унинг бутун тарихи адолатсизликка қарши курашдан иборат бўлиб келган, шунинг учун ҳам унинг учун ҳақиқий инсонийлик мезони - адолатпарварлик саналган. Улуғ алломаларимиз Абу Али Ибн Сино, Берунийларнинг дарбадар кезишлари, Машрабнинг дорга осилиши, умуман оддий халқ чеккан жабру жафолар ҳар бир одам қалбида адолатсизликларга нисбатан қаҳру ғазаб ҳиссини муҳрлаган, бу ҳиссиёт авлоддан-авлодга ўтиб, давом этиб келаяпти.

Ўзбек халқи миллий турмуш тарзининг яна бир ўзига хос хусусияти ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашнинг жамоавий шаклига содиқлик, ўзаро аҳиллик, биродарлик, одамгарчиликнинг ҳамма нарсадан устун қўйишликдир. Одамларининг жамоа бўлиб яшашлари, жамоатчилик тартиб қридаларига буйсинишлари, жамоа оксоқолларига хурмат-эътибор тарихий анъанадир. Одам лари и жамоага уюштириш, улар ўртасидаги низо-адоватларни бартараф ниш, меҳр-окибат, инсоф, диёнатни қарор топтиришда маҳалланинг роли бскиёс бўлган. Эндиликда маҳалла кўмиталарининг ролига катта эътибор берилаётгани, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш чоралари кўрилаётганлиги тарихий анъаналаримизнинг қайта тикланишидир. Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил бўлиб яшаб келади. Ўзбек халқи тўйда ҳам, азада ҳам, ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг хурмати, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечоралар, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган.

"Жамоатчилик гоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги, кўпчи-лик фикрининг устунлигига ишониш-жамиятимизнинг муҳим хусусият-ларидир. Шу боне, жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало, ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳалланинг роли ғоят каттадир. Ҳозирги вақтда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий кизикишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ"¹.

Ўзини ўйлаш, ўз манфаатининг йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслик, бошқаларга азоб келтириш йўли билан бўлса ҳам, ўз жиғилдонини кондириш ҳисси ҳамма замонларда айрим шахсларнинг турмуш тарзи ҳисобланган. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бундай ғаразли шахсларнинг маълум даражада кўпайиш хавфи йўқ эмас.

Бозор иктисодиётининг моҳиятини чуқур тушунмаслик одамлар ўртасидаги азалий анъанавий аҳиллик, биродарлик, одамгарчилик тамойилларига муайян путур етишига, уни шахсий бойиб олиш воситаси деб қарашга олиб келишидан огоҳ бўлиш ва унга қарши маънавий-мафкуравий кураш олиб бориш зарурдир. Президентимиз таъкидлашича, эл ишониб топширган вазифани суистеъмол қиладиган, шахсий манфа-атини халқ ва давлат манфаатидан устун қиладиган, ўзига ортикча бино қўйиб, барчанинг нафратини қўзғатадиган раҳбарлар нафақат сиёсий, балки турмуш тарзимиз талабларига ҳам мутлақо жавоб бермайди.

Ўзбек халқи миллий турмуш тарзида оилавий муносабатлар, оила манфаати катта ўрин тутди. Оилавий икир-чиқирлар, одатлар, расм-русмларнинг кўплиги ва турли-туманлиги жиҳатидан ўзбек миллий турмуш тарзи ўзига хос аломатларга эга.

Инсоннинг ҳаётни нечоғли теран тушуниши, яшашдан мақсади, унинг одамларга муносабати - буларнинг ҳаммаси оилавий муносабатлар орқали намоён бўлади. Биттагина тўй маросимининг ўзини тавсифлаш неча

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.-.: Ўзбекистон,1995. 251 бет

жилдлик китоб бўлиши мумкин. Уй безаш, жихозлашга астойдил берилиш одамларимизнинг азалий одатидир. Аммо мазкур удумимизнинг асл моҳиятини англамаслик бугунги кунда жамиятимиздаги умумий тенглик, барқарорлик сингари тамойилларимизга путур етказа бошлаганини таъкидлаш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Шу боисдан ҳам ўзбек миллий турмуш тарзининг халқимиз маънавияти тараққиёти учун ҳалал берадиган, баъзан зарар келтирадиган кўринишлари, белгилари, одатлари ҳақида тўхтаб ўтайлик. Модомики биз ўз турмуш тарзимизга танқидий кўз билан қарай олмасак, ундаги айрим зарарли томонларни кўра олмасак, турмуш тарзимизни такомиллаштириб янада бойитиб бора олмаймиз. Айниқса, ҳозирги давримиз, воқеаларнинг тезкорлик билан ўзгариб туриши, бозор муносабатларининг ўзига хосликлари ана шуларни долзарб муаммолар сифатида кун тартибига кўяди.

Биз ўзбек миллий турмуш тарзидаги айрим иллатларни, нозарурий одатлар, расм-русмларни танқид қилишда, бир томондан, ўз эътиборимиз ва кузатишларимизга асослансак, иккинчи томондан, Президентимиз айтганларидек, "миллатни бирлаштиришга ҳалакит берадиган нарсалардан озод булишимиз керак"¹.

Маҳаллийчилик оддий, арзимас бир ҳодиса сифатида кўзга ташланса ҳам, аммо унинг замирида катта бир иллат яшириниб ётади, унинг ҳаётда баъзап жиддий оқибатларини ҳам учратиб қрлаemiz. Ҳамма бало шундаки, маҳаллийчиликни арзимас, кундалик бир иш деб ўйлаганимиз учун унга шу пайтларгача жиддий эътибор бермадик, унинг илдизларини аникламадик, тарбия тизимидаги шу иллатдан ҳалос бўлиш кўникмаларини таркиб топтирмадик. И.А.Каримов асарларида у ҳақли равишда миллий хавфсизликка таҳдид солувчи ички омиллардан бири деб тавсифланади.

¹ Каримов И.А. Истиклол ва маънавият, - Т.: -Ўзбекистон.-1995.- 41-6.

Маҳаллийчиликнинг асл моҳияти айрим кишиларнинг маданий ривожланмагани, онг тушунчасининг пастлиги билан боғлиқ. Маданиятли, фаросатли, кенг фикрли, маънавий баркамол одам ҳеч қачон маҳаллийчилик йўлини тутмайди. Инсонлар ўртасидаги муносабат, қадр-қиммат, ҳурмат-эътибор бировнинг бир ёқдан келгани билан эмас, балки ҳар бир кишининг инсонийлиги, виждон ва инсофи, меҳнатга муносабати билан белгиланиши керак. Шу сабабли "энг юқори сиёсий погоналардан туриб, умумий ишимизга ҳалақит берадиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ҳолатларига фаол чек қўйиш лозимлигини кўрсатишга ва дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида миллий фарқ йўқ - уларнинг барчаси ўзбеклар, деб таъкидлашга тўғри келмоқда... хаддан ташқари бўртириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик, унинг тажовузкорлиги миллатнинг жипслашувига ҳалақит беради"¹. Маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўриниши зарарли одат бўлиб, ундан ўзбек миллий турмуш тарзини батамом тозалаш керак. Бизнинг фикримизча, маҳаллийчилик - социал иллат сифатида вужудга келганлиги учун унга барҳам беришда давлат сиёсати, маданият даражаси, эътиқоднинг намоён бўлиши каби омиллар билан боғлиқлик эканлигини таъкидлаш керак.

Мансаб талашиш, бирор-бир мансабга эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслик иллатлари мавжудлигига тарих ва ҳозирги замон воқеалари гувоҳлик беради, бу нарса катта ижтимоий хавф билан тенгдир. Чунончи, Амир Темур ўз ўғиллари, набираларига юксак эътиқодларни сингдиришга ҳаракат қилиб тарбия берган ва, ниҳоят, уларга катта-катта мансаблар ҳадя этган эди. Улими олдидан уларга васият қилиб, мамлакат бирлигига, унинг бирлигини сақлашга насиҳат қилган. Аммо Соҳибқирон вафотидан сўнг, кўп ўтмай ака-укалар, қариндошлар ўртасида тахт учун, мансаб учун хунрезлик бошланиб кетган. Бу, бир томондан, кучли ва кенг давлатни парчалаб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккият қа-фолатлари. -Т.: Ўзбекистон.-1997.-103,104-бетлар

юборган, иккинчи томондан, халқ бошига беҳисоб кулфатлар ёғдирган. Тахт учун, мансаб учун Улуғбекдай тарихий шахснинг ўз ўғли томонидан қатл этилиши - бу ижтимоий ҳавфнинг энг юқори нуқтасидир.

Эндиликда мансаб учун талашишнинг икки шакли аниқ кўзга ташланади. Биринчиси - мансабдор бўлишга интилган одам бу йўлда анча-мунча катта ҳаражатларни аямайди, иккинчиси - мансабга эришгандан сўнг ундан ажралиб қолмаслик учун катта-катта ҳаражатлар қилиш орқали ўзини яхши раҳбар қилиб кўрсатиш учун барча чорани кўради.

Мансаб талашувчи шахснинг мансабдор бўлиши учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги - бу унинг маънавий қашшоқлиги оқибатидир. Маънавий баркамол одам, аввало, мансаб учун талашмайди, агар мансабга эришса, шу мансаб орқали халққа бирор-бир фойда етказиш, одамлар хотирасида узок сақланиб қолиш чорасини кўради. Маънавий қашшоқ одам раҳбар бўлиб қолса, фақат ўз маишатини ўйлайди, унинг раҳбарликка интилиши ҳам шу шахсий манфаат билан боғлиқ бўлади. Халқнинг ризкидан юлиб, элнинг иззат-нафсига тегиб бўлса ҳам, юқоридагиларга яхши кўриниш чораларини кўради.

Умуман, ўзбек халқининг фаолиятида, миллий руҳи ва вужудида, турмуш тарзида соғлом омиллар устивор ўринда туради. Бу борада учраб турадиган иллатларнинг намоён бўлиши эса авваламбор яқин ўтмишдан қолган асоратнинг яъни зўрлаб сингдиришга уринилган сохта совет турмуш тарзи оқибатидир. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришиб, цивилизациялашган тараққиёт йўлидан борар экан, миллий турмуш тарзимизни соғломлаштириш, ривожлантириш соҳасида улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий имкониятлар вужудга келди. Булар миллий турмуш тарзимизнинг ма-данийлашиб камол топиб боришидаги объектив-субъектив шарт-шароитларни ташкил этади. Миллий турмуш тарзимизнинг таркибий қисми - шаҳар ва қишлоқ ҳаёти эса ана шу омиллар негизида янги поғоналарга кўтарилади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг инсон манфаатлари учун афзаллик томонларидан бири — аҳоли турмуш тарзининг моддий ва маданий негизларини мустахкамлашга пухта замин яратиши, шахсларнинг кўп қиррали фаолиятларида ижобий ўзгаришлар содир бўлишига имкон яратишидир. Давлат хўжаликларининг жамоа ширкат, акциядорлик ва бошқа хусусий мулкчилик хўжаликларига ўтишлари барча ходим ва мутахассисларда меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартириб, турмуш тарзини структуравий жиҳатдан қайта қуриш эҳтиёжининг шаклланишига қулай шароитларни яратиб бермоқда, уларнинг муносабатлари тизимида ҳаракатлари, ғоявий-сиёсий қарашлари ва умуман тафаккурида янги қирралар очилмоқда. Амалиётлар таҳлили шуни кўрсатяптики, турмуш тарзининг шакл ва мазмун жиҳатдан туб ўзгаришларга юз тутиши муайян кечмоқда. Шу боисдан ҳам мазкур социал-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиш жараёнларида унинг объектив ва субъектив ўзига хосликлари ҳам мавжуддир. Ана шу ўзгаришлар жараёнининг моҳиятини англаш ва илмий жиҳатдан баҳо бериш амалий фаолиятлар учун ҳамда хулосалар қилиш учун катта тажриба бўлиши зарур.

Турмуш тарзи мазмунини истиқлол руҳига мувофиқлаштириш талаблари аҳоли турли қатламлари вакилларида миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги асосида жамиятни демократиялаштириш жараён-ларида фаол иштирок этишларини тақозо қилмоқда. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, турмуш тарзи моҳиятини инсонийлаштиришда халқаро андозаларни асос қилиб олиш билан бирга, аввало, республикамиз халқларининг менталитетини инобатга олиш муҳимдир. Бундай вазифалар, табиийки, бир томондан, иқтисодий ислохотлар чуқурлашувини давом эттириш, иккинчи томондан эса, аҳолининг умумий ижтимоий-иқтисодий, маънавий фаолиятлари кўламини кенгайтириши лозим.

Кўрсатилган жараёнларни боғлайдиган ва такомиллаштирадиган омиллар тизимида турмуш тарзининг маънавий жабҳалари, умуммиллий ғоя

масаласи муҳим ўрин эгаллайди, чунки мустақиллик шароитда фақат иқтисодий мўл-кўллик манбаларини кучайтиришгина эмас, айтиш жоизки, асосан ҳалқнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш, турмуш тарзини яхлит ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, собиқ СССР даврида турмуш тарзи бир томонлама мафкуралашган, тор ва тадқиқ доираларда сиёсатлашган бўлганлиги учун барча халқларнинг фаолиятлари, уларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ижодиёт кўринишлари бир томонлама ривожлантириб келинган. Турмуш тарзида рўй бераётган ижтимоий иллатлар салбий жараёнларнинг сабаб-оқибатлари ва ютуқларининг моҳияти эса нотўғри таҳлил қилинган. Масалан, совет даврида халқ турмуш тарзида кенг авж олган жиноятчилик, миллатчилик, меҳнат жараёнида эса ялпи ижтимоий лоқайдлик каби салбий ҳодисаларга атайлаб эътибор кам берилар эди, ёки шаҳар билан қишлоқ турмуш тарзи барча кўрсаткичлар бўйича тез суръатлар билан бир-бирига яқинлашмоқда, деган сохта ғоялар олдинга суриб келинган. (А.П.Бутенко, В.Глезерман, В.Струмилин ва бошқалар).

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, социалистик тузум ва совет жамиятининг инкирози бу аввало турмуш тарзининг инкирозидир. Чунки тоталитар тузум моҳият эътиборига кўра кенг халқ оммаси турмушини фаровонлаштиришга йўналтирилган эмас эди. Истиқлол йўлининг бош мақсади ва бозор иқтисодиётининг стратегик вазифалари эса бевосита аҳолининг турмуш тарзи билан боғлангандир. Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократии ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Демак, юқорида билдирилган фикрлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мақсадга мувофиқдир: янги жамиятнинг шаклланиши авва-ламбор аҳолининг турмуш тарзида, унинг ижодий меҳнатида, ижтимоий-сиёсий қарашларида, юксак маданиятида, фуқаролик позициясида ва бошқа

омилларда яққол кўзга ташланади. Илмий адабиётларда турмуш тарзи доимо кўп қиррали жараён ва жамиятнинг таркибий кисми сифатида кўрсатиб келинган. Лекин турмуш тарзи ўзининг структураси, функциялари жиҳатидан жамият структураси ва унинг жараёнлари билан айнан бир хил категория эмас. Турмуш тарзининг хусусияти - ҳар бир инсоннинг хусусий ва умумий томонлари, аҳоли фаолиятини меҳнат, маънавият, сиёсат, бўш вақт ва бошқа жараёнлар ёрдамида боғлаб боради ва унинг фаол ҳаракатини, барча масалаларга онгли муносабати шаклланишини тезлаштиради. Турмуш тарзининг структураси доимо ўзгариб боради ва унинг таркибий жабҳалари куйидаги бир неча йўналишларда намоён бўлади:

- меҳнат жараёнида;
- ижтимоий-сиёсий жараёнларда;
- иқтисодий жараёнларда;
- илмий жараёнларда;
- кундалик турмуш жараёнида;
- бўш вақтни ташкил этиш жараёнида;
- шахсий фаолиятни ташкил этиш жараёнида;

Бу жараёнларнинг асосини, юқорида таъкидланганидек, инсон фаолиятига хос бўлган эҳтиёжлар ташкил қилади. Моддий, маънавий, социал, сиёсий ва бошқа эҳтиёжларнинг намоён бўлиши амалиётда биргаликда содир бўлади, шунинг учун турмуш тарзининг структурасини ўрғапиш ҳар томонлама ва бир неча даражаларда амалга оширилади:

- шахсий манфаатлар;
- оилавий манфаатлар;
- жамоатчилик манфаатлари;
- давлат манфаатлари;
- барча давлатларнинг манфаатлари даражаларида.

Мавжуд бўлган даражалар ўртасида бир-бирларига ўсиб ўтиш ҳолатлари намоён бўлади, лекин асосий негизини инсоннинг манфаатлари

ташкил этади. Агарда инсон манфаатлари унинг бошқа манфаатлари билан биргаликда намоён бўлса, турмуш тарзининг ривожланиши тезлашади. Шунинг учун давлатнинг барча органлари, социал ва сиёсий институтлари, жамоа ташкилотлари олдида турган вазифалар турмуш тарзининг структурасини давр талаблари асосида таҳлил қилиб, унинг бошқариш омилларини белгилаб беришдан иборатдир. Масалан, ёшлар фаолиятида ишбилармонлик фазилатларини ривожлантириш мақсадида уларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, билимлари ва қобилиятларининг ўзаро бирлиги таъминланади. Бугунги кунда ҳуқуқий давлатнинг фаолияти барча масалаларга қаратилиб, шу жумладан шаҳар ва қишлоқ турмуш тарзи, барча синфлар ва катламларнинг (фермерлар, банк ходимлари, акционерлар, кичик ва кўшма корхоналар ходимлари, инвесторлар ва бошқа) фаолиятларини, умумий йўналишларининг ўзаро муносабатларини кўрсатиб бормоқда. Бунинг учун вужудга келадиган социал-иқтисодий муаммолар мукаммал ва ҳар томонлама ўрганиб борилиши зарур. Бунда турмуш тарзининг қуйидаги функцияларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

бутун аҳоли ва конкрет шаҳе фаолиятини юксалтириш;

- меҳнат самарадорлигини ошириш;
- сиёсий ва социал фаолликни ошириш;
- бўш вақтдан унумли фойдаланиш учун шароитларни яратиб бориш;
- ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун шароитлар яратиш;
- инсонни фуқаро сифатида шакллантириш;
- инсон ва давлат муносабатларини мустаҳкамлаш.

Турмуш тарзи функцияларининг самарали амал қилиши, бир томондан, давлат сиёсати, иккинчи томондан эса — инсоннинг ўзига, яъни унинг билими, маданияти, эътиқоди ва бошқа фазилатларига боғлиқ бўлади.

Халқимизнинг турмуш тарзини ташкил этадиган барча структуравий унсурлар ва амалга ошириладиган социал функциялар мустақиллик

шароитида сифат жиҳатдан янги объектив ва субъектив омиллар асосида намоён бўлмокда.

II-Боб. Фаровонлигини ошириш-турмуш тарзи янгиланишининг стратегик асоси.

2.1. Турмуш тарзи янгиланишининг асосий йўналишлари

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ва ҳукуматимиз томонидан ўзбек халқи турмуш тарзини, жумладан қишлоқ аҳли турмуш тарзини юксалтириш борасида амалга оширилаётган серқирра, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий сиёсат негизида аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда маънавий ривожини таъминлашдан иборат мақсадлар мужассамдир. Маълумки, шўролар даврида қишлоқ аҳлининг турмуш тарзида иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар иккинчи даражали масала сифатида амалга оширилиб келинар эди.

Иқтисодий соҳадаги қолоқликни моҳиятан изохловчи марказлаштирилган бошқарув ҳукмронлиги йилларида режалар, юқоридан мажбуран тикиштирилганлиги боис ҳар бир хўжаликнинг, ҳар бир туман ёки вилоятнинг регионал хусусиятлари, табиий имкониятлари, одамларнинг ҳоҳиш-истаклари инобатга олинмасдан, меҳнат ижтимоий зарурат омили, кўнгил эҳтиёжи, калб даъвати эмас, балки мажбуран бажартириладиган фаолият воситасига айланиб келди.

Жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олган иқтисодий танглик хусусан, қишлоқ ҳаётига, одамларнинг турмуш тарзига кучли зарба бўлиб, кишиларнинг асосий иқтисодий илинжи кун кўриш воситаси, ҳаёт манбаи бўлган шахсий хўжаликлар даромадидан махрум этиб қўйилган эди. Совет даврида кишилар моддий неъматлар, полиз ва сабзовот маҳсулотларини яширинча, беркитиб меҳнат қилиш эвазига етиштириб келдилар.

Меҳнатга бўлган жамият буюртмаси ва унинг натижаларига бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг амалга ошуви жараёнлари абсурд ҳолатга келиб қолган эди. Табиийки, бундай вазият ижтимоий ҳаётнинг барча

жабҳаларида, хусусан, кишлоқ турмуш тарзида инқирозий танглик ҳолатининг юз беришини муқаррар қилиб қуяр эди. Шунингдек, кишлоқ турмуш тарзини кўтариш учун илғор технология талаб қилингани ҳолда бутун мамлакатда чуқур-чуқур томир отган техникавий қолоқлик кишлоқ хўжалигига катта зарар етказиб келди. Катта режаларни бажариш мақсадида кўшиб ёзишлар, шiorбозлик, сунъий сиёсатбозликнинг авж олиши ва бошқа ижтимоий зарарли салбий ҳолатлар намоён бўлиб келди. Турмушнинг табиий шакли билан унинг мазмуни ўртасида зиддият ҳолатлари шаклланиб, иқтисодий қолоқлик билан бирга ялпи маънавий инқироз чуқурлашиб кетган эди. Шу боисдан ҳам кишлоқ аҳлининг маданий турмуш даражасини кўтариш, уларнинг онг-тушунчаларини миллий негизларда шакллантиришнинг реал имкониятлари фақат мустақиллик даврида вужудга келди. Лекин айрим қўшма корхона раҳбарлари эскича услуб ва тафаккурдан ҳалос бўлмаганликлари учун давлат тилидан фойдаланиш доираларини кенгайтиришда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Демак, юқорида билдирилган мулоҳазалардан хулоса қилиб, таъкидлаш жоизки, кишлоқ аҳлининг маънавий ривожланиши учун бир неча босқичлар босиб ўтилади, аввало унинг ҳаётини, турмушини, урф-одатларини аҳолини иқтисодий фаровонлаштириш жараёнлар билан биргаликда ривожлантириш энг муҳим вазифалардан саналади. Чунки иқтисодий фаровонлаштириш тадбирларини маънавий такомиллашув жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш истиқлол йўлимиз мантиғидан келиб чиқади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз берадиган ўзгаришлар унинг ҳаётигадақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади"¹.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.105 б

Дарҳақиқат, кишлоқ аҳлининг турмуш тарзи даражаларини кўтармасдан, иқтисодий ва маънавий ривожланишини таъминламасдан туриб, бутун республикани юксалтириш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Шу боисдан ҳам иқтисодий соҳада ўтказилаётган ислохотларни кишлоқ турмуш тарзи мазмунини ўзгартиришга бевосита йўналтириш заруриятининг муҳим сабабларини асослаш жоиз деб ҳисоблаймиз:

- собиқ тузумда республикаимиз асосан аграр хўжаликка асосланиб, кишлоқ хўжалигининг умумий тараққиёти саноатга нисбатан анча орқада қолиб келган. Бу даврда кишлоқ хўжалигини тамоман издан чиқдриш қурбон қилиш эвазига бўлса ҳам саноатни ривожлантиришга зўр берилган эди. Аммо илмий салоҳиятларнинг пастлиги, техникавий қолоқлик, меҳнатга консерватив муносабат, бюрократик сиёсат саноат ривожининг кутарилишига ҳалақит берарди. Шундай бўлса ҳам, саноат кишлоқ хўжалигига нисбатан дурустроқ эди. Аммо ана шу дурустроқ ҳолатни ҳам фақат оғир саноат мисолида кўриш мумкин эди. Енгил саноат эса жаҳон рақобатига бардош бера оладиган даражада маҳсулот ишлаб чиқаришга эриша олмади;

- кишлоқ хўжалиги саноатга нисбатан ўзига хос соҳа, шу сабабли ҳам кишлоқ хўжалигига саноатга бўлган муносабат, меъёрларни, талаб-ларни кўйиб бўлмайди. Аммо маъмурий ҳокимият кишлоқ хўжалигига ҳам худди саноатга бўладиган сиёсатни зўрлаб сингдиришга интилди, натижада кишлоқ хўжалиги йил сайин орқага кетаверди. Кишлоқ хўжа-лиги, бир томондан, илғор технология, катта ҳаётий тажрибалар, меҳнат фаолиятида тадбиркорлик билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, унинг амал қилиши табиатнинг қонуниятлари билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун кишлоқ хўжалиги соҳасидаги режалар ижросини тўла қафолатлаш мураккаб бўлиб, тузилган режаларнинг амалга ошмаслиги учун табиат қучларидан ўпкалаб бўлмайди. Собиқ советлар тузуми даврида табиатга ёвузларча муносабатда бўлинар эдию, яна бунинг устига ундан марҳамат кутилса — бу инсофдан эмаслиги аён эди. Боз устига табиат-нинг умумий маромига ҳам жиддий

талофотлар етказила бошланди. Масалан, Орол денгизининг куриб бориши минтақада катта экологик ва иқтисодий му-аммоларни олиб келди;

- саноат тараққиёти учун техника, хом ашё, ишчилар малакаси қанчалик муҳим роль ўйнаса, маҳаллий шароит, иқлим, аҳолининг меҳнатга муносабати ва бошқа омиллар ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида шунчалик катта аҳамият касб этади. Бутун табиатда, коинотда рўй берувчи узлуксиз жараёнлар ер қаърида ҳам, ер юзида ҳам, ва нихоят, об-ҳаво, иқлим шарт-шароитларида ҳам рўй берганлиги каби, улар табиатнинг узвий бўлаги ҳисобланувчи одамларга ҳам таъмир этмасдан қолмайди. Шу боисдан ҳам табиий жараёнларни ўрганиб чиқмаслик, уларнинг моҳиятини тушунмаслик ижтимоий жараёнлар моҳиятини англашга жиддий тўсқинлик қилади.

Дехқончилик ҳам фазилат, ҳам касб, ҳам хунардир. Асл деҳқон табиатнинг жонли сиймоси бўлиб, ўз вужудида барча табиий жараёнларни ич-ичидан сезиб туради, у она ерга сажда қилади, уни ардоқлайди, авайлайди ва ҳосилдорликни доимо ошириб бораверади. Асл деҳқон кўлидан келганича, атроф-муҳитни безаш, бойитишга ҳаракат қилади, аммо табиатга нисбатан зўровонлик қилмайди, табиат сирларининг инсон учун афзаллик томонларини ва муаммоларини ҳолис ўрганиб боради.

Совет ҳокимияти йилларида деҳқончиликнинг сир-асрорлари улоқтириб ташланди, далалар сиёсатдонлар ўйинчоғига айланди, табиатга тазйиқ қилинди, деҳқон асл деҳқончилик фазилатларидан маҳрум этилиб, кўр-кўрона иш бажарувчи ҳақ-хукуксиз кимсага айлантирилди. Натижада ҳосил борган сари пастлаб борди, деҳқон қашшоқлашиб кетди, табиатнинг мувозанати бузил-ди. Бирин-кетин экологик офатлар рўй бера бошлади.

Табиийки, ана шу омилларнинг барчаси инсон ҳаёти мазмунига таъсир кўрсатмай қолмади. Қишлоқ хўжалигидаги умумий иқтисодий-ижтимоий ҳолат бевосита қишлоқ аҳлининг турмуш тарзи мазмунини белгилаб келди. Инсон фаолиятини унинг турмуш тарзидан ажратиб бўлмаганидек, инсоннинг турмуш тарзи ҳам унинг фаолияти орқали воқеа бўлади. Демак,

қишлоқ аҳли турмуш тарзи қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, мустақиллик шароитидаги асосий "мақсад-қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак».¹

Қишлоқ турмуш тарзини ривожлантиришнинг энг муҳим шarti қишлоқларни умумий иқтисодий қарамликдан ҳалос қилишдан иборат эди. Худди шу мақсадни эътиборга олиб, истиқлол йўли белгиланиши билан томорқа ерлари кенгайтирилди. Бу деҳқон учун айни муддао эди. Ҳар бир қишлоқ қишиси ўз томорқасига нима экишни яхши билади, фақат унга ер бўлса бас, ўз оила аъзолари фаровонлигини таъминлаш, ризқ-рўзини яратиш йўллариини ўзи ишлаб чиқади. Томорқа ерларининг жиддий равишда кенгайтирилиши, уй-жой қуриш учун ерлар ажратилиши қишлоқ турмуш тарзида сезиларли бурилиш ясади. Деҳқон фаолиятида манфаатдорлик ўсиб борди, унинг ишида қулайлик томонлар вужудга келди. Президентимиз ташаббуси ва фаол кўллаб-қувватлаши туфайли иқтисодий ўзгаришлар амалга оширила бошлаган дастлабки йилларда аҳоли фойдаланиши учун қўшимча 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди ва шахсий томорқадан ажратилган ерларнинг умумий майдони 700 минг гектардан ошиб кетди¹.

Қишлоқ хўжалиги муаммолари қишлоқ аҳли турмуш тарзи муаммолари билан бириккан, бири иккинчисига боғлиқ ҳодисалардир. Қишлоқ аҳлига ажратилган ерга эгалик қилиш, табиийки, мулкка эгалик ҳиссини ривожлантириш имкониятларини юзага келтирди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов деҳқонларга кенг имкониятлар берилишига доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Президентимизнинг "деҳқон ўзи ишлаб

¹ Каримов И.Аю Биздан обод ва озод Ватан қолсин. 2 т.-Т.: Ўзбекистон.-1996. 251-252 бетлар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон-1993, 67- б;

чиқарган маҳсулотга ўзи тўлиқ эгалик қилиши даркор»² деган кўрсатмаси бу соҳада дастурул амал бўлиб хизмат қилди.

Анъанавий жамоа ва давлат хўжаликлари бир қарашда деҳқонни ер билан таъминлаб қўйганидек тассаввур тугдирарди. Хусусан, жамоа хўжаликларида ерлар расман шу жамоа хўжалигининг мулки ҳисоб-ланарди. Аммо масаланинг мантиқсизлиги шунда эдики, ер деҳқоннинг кўлида турса ҳам, барибир, у бу ерга ўзи эгалик қила олмас эди. Қачон, қаерга нима экишни, ҳосилни қандай парваришлашни мустақил ўзи ҳал қилолмаса, хусусан, ҳосил такдирини ўзи белгилай олмаса, ерга эгалик қилишнинг қиммати қоладими? Шунинг учун ҳам, қишлоқда ерга эгалик қилишнинг турли-туман шакллари топиш керак эди.

Кейинги йилларда қишлоқда турли-туман мулк шакллари пайдо бўлди. Биринчидан, давлат хўжаликлари жамоа хўжаликларига айлантирилди. Жамоа хўжаликлари аксарият ҳолатда фермер хўжаликларига бирлаштирилди. Мулкнинг хусусий, ҳиссадорлик, жамоа ва ижара каби кўплаб шакллари қарор топа бошлади.

Қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади - қишлоқ аҳлининг меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришдан иборат эди. Бу ерда асосий масалани манфаатдорлик ташкил этади. Деҳқон ўз меҳнатидан ўзи манфаатдор бўлгандагина, унинг меҳнатга муносабати ўзгара бошлайди, ижодкорлик ва ишбилармонлик қобилияти ривожланиши учун замин яратилади.

Бозор иқтисодининг кўринишларидан бири барча тармоқларда, шу жумладан, ерга нисбатан ҳам хусусийлаштириш янгича муносабатини қарор топтиришни тақозо қилди. Қишлоқ хўжаликларида бошлаган иқтисодий ислохотлар ўзининг илк натижаларини кўрсата бошлади, фермер хўжаликларининг афзалликлари яққол билиниб қолди. Меҳнатга муносабат ҳам ўзгара бошлади. Лекин қишлоқда узоқ йиллар давомида қарор топган

² Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. 2 т. -Т.: Ўзбекистон,-1996. 254- б.

турмуш тарзи билан иктисодий ислохотлар ўртасида маълум зиддиятлар ҳам йўқ эмас.

Биринчи зиддият шундан иборат эдики, биз юкорида таъкидлаганимиздек, одамларимизнинг янгиликларни тезда ҳазм килолмасликлари, ўта эҳтиёткорликлари, анъанавий усулларни ҳимоя қилишлари каби давр талабига мос келмаган, иқтисодий ислохотларни орқага сурадиган онг-тушунча, характер асоратлари мавжуд эди.

Қишлоқ аҳли онг-тушунчаси-одамларнинг мустақил фикр юритишлари, мустақил ҳаракат қилишлари, курашларидан кўра уларнинг ҳокисор бўлиб нима десанг, хўп деб туришлари, айрим раҳбарларнинг эса ишни ўз билганларича ҳал қилишларидир.

Қишлоқда ўтказилаётган ислохотларни қишлоқ турмуш тарзига ҳозирги замон талабларига буриш, унда ҳозирги кун воқеаларини акс эттирадиган мулкчилик, тадбиркорлик, мустақил фикрлаш каби кўник-маларни қарор топтиришдан бошлаш кераклиги маълум эди. Одамларни бозор муносабатларига интеллектуал, руҳан, фикран, қалбан тайёрламай туриб, бозор иқтисодиётини қишлоққа олиб кириш маълум зиддиятларга олиб келиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам қишлоқ шароитида бозор механизмини босқичма-босқич, тадрижий равишда сингдириш дастури изчил амалга оширила бошланди. Бозор муносабатларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри тушуниб, унга тўғри амал қилаётганлар энди кўпая бошлади.

Қишлоқ турмуш тарзига, одамларнинг руҳиятига, яшаш ва ишлаш фаолиятига чуқур сингиб қолган энг зарарли иллатлардан бири- расмиятчилик эди. «Кўп жойларда, хўжаликларда бозор иқтисодиётини, унинг асл моҳиятини, шарт ва талаблари, маъно ва мазмуини ашламай туриб, давлат мулкани шунчаки номига, расмиятчилик учунгина жамоа, ширкат,

ижара, хиссадорлик ва хусусий мулкка айлантириш ҳолларига дуч келаяпмиз»¹, деб таъкидлаганди И.А.Каримов.

Расмиятчилик, кўзбўямачилик, хўжакўрсинга иш бажариш иллатлари совет давлат тизими, КПСС сиёсати қолдирган зарарли мерослардан бири эди. Яқин ўтмишда расмиятчилик шу даражада кенг тарқалган эдики, оддий монтёрнинг иш битказишидан то марказдаги савлатдор раҳбарларнинг фаолиятигача - ҳамма жойда расмиятчилик қатъий амал қилар эди.

Расмиятчилик иллатидан кутилиш осон эмас. Ҳатто бу иллат жуда кўп раҳбарларнинг оддий, кундалик одати белгисига айланиб кетган эди. Ҳеч ким мажбур қилмаганда ҳам, ҳеч қандай зарурат бўлмаганда ҳам, айрим раҳбарлар расмиятчилик қилмаса, кўнгли жойига тушмасди. Борини бор, йўғини йўқ дейишдан кўра ёлгон гапириб кўя қолиш осондек, маъқулдек туюларди. Расмиятчиларни кескин жазолаш усули бизда ишлаб чиқилмаган, шунинг учун улар баъзи бир танқидчиларга кулоқ солмай, ўз билганини қилиб юраверарди.

Бугунги кунда республикамизнинг барча соҳаларида шу салбий ҳолатларни бартараф этиш имкониятлари яратилди, яъни инсон ҳуқуқини таъминлаш, меҳнат жамоаларига катта имтиёзлар бериш, нодавлат ташкилотлари тизимининг вужудга келиши, назорат қилишнинг янги турларининг таркиб топиши ва бошқалар шахслараро муносабатларнинг такомиллашувини тезлаштирмоқда.

Қишлоқларда шаҳарлардагига нисбатан ечилмаган муаммолар кўпроқ. На-тижада «янги ном ва шаклга эга бўлган хўжаликларда иш услуби ва меҳнатга муносабат ўзгармаётганини, ишчиларни рағбат-лантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш бошқариш эскича қолганини, энг ёмони, ишловчилар ўзларини ишлаб чиқарган воситалари ҳам чиқарган

¹ Ўша жойда, 256 -б.

маҳсулотларининг эгаси сифатида ҳис этма-ётганликлари»¹ кўзга ташланади.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ўзгармас экан, қишлоқдаги иқтисодий ислохотлар самара бермайди, шунинг учун ҳам қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзига чуқурроқ разм солиш ва уни янада ривожлантириш, янада юксалтириш омилларини аниклаш зарур эди.

Албатта, узоқ вақт давомида шаклланган кўникмаларни ўзгартириш қийин ва машаққатли вазифа ҳисобланади, унинг ечими факат маҳаллий раҳбарларнинг фаолиятигагина эмас, балки ҳар бир фуқаронинг фаол ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаракатига ҳам боғлиқдир.

Шунингдек, мазкур муаммолар ечими мамлакатимизда яратилган иқтисодий-ижтимоий имкониятлар тизимидан нечоғли фойдаланиш даражаси билан ҳам боғланган. Бу йўналишдаги тадбирларнинг моҳияти куйидагиларда намоён бўлади:

- хусусийлаштириш жараёни кенг доирада олиб борилди ва мулкдорларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда;
- қишлоқ аҳолисининг кўп қиррали фаолиятларини ҳуқуқий асосларда ташкил этиш учун аввало иқтисодий билимларни тарғиб этиш кенг кўлами кенгаймоқда;
- жойларда кичик, қўшма корхоналарнинг очилиши турли тоифадаги ходимларнинг маҳорати, тадбиркорлигини ошириш учун катта имкониятлар вужудга келтирилмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида куйидагиларни таъкидлаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларига кўра кооператив (жамоа хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар, ширкатлар уюшмалари, давлат хўжаликлари негизида ташкил этилган хўжаликлар, жамоа мулкига ай-лантирилган фермерлар ва бошқалар), давлат (давлат

¹ Каримов И. А. Биздаи обод ва озод Ватан колсин // Асарлар тўплами.-Т.: -Ўзбекистон.-1996.-256 б.

хўжаликлари, наслчилик заводлари, ўқув-тажриба ҳамда тажриба хўжаликлари), хусусий (деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган корхоналар), аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари (шахсий эҳтиёжлар учун айрим кишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш) секторлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориладиган ва олиб бориладиган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаш тиришга бағишланган маърузасида қайд этилганидек, кейинги йилларда кишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда республикада 215 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, уларда 1,6 миллион киши ёки соҳада банд бўлган аҳолининг қарайб 90 фоизи меҳнат қилмоқда, кишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарайб 85 фоизи ана шу хўжаликлар ҳисобига тўғри келади. Биргина ўтган йили мамлакатимиз бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99 фоизи, ғалланинг 82 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. "Энг муҳими, кишлоқда ҳақиқий мулкдор - ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати, ўз ишининг натижаларидан манфаатдорлиги бутунлай ўзгармоқда"¹.

Кишлоқ турмуш тарзини шакллантиришнинг иқтисодий ва маънавий омилларидан оқилона фойдаланиш, меҳнатга муносабатнинг моҳиятини тубдан ўзгартириб, ижтимоий зарарли иллатлардан ҳалос бўлиш имкониятларини кенгайтди. Ана шундай ижтимоий зарарли иллатлар ичида энг хавфлиларидан бири боқимандаликни бартараф этиш учун кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир // Халқ сўзи, 2008, 9 февраль

Боқимандалик - бу азалий тушунча бўлиб, у ҳамма вақт ўзгалар ҳисобидан кун кечириш маъносини англатиб келган. Бирор оилада қайсидир фарзанд вояга етиб, кўлидан иш ва даромад топиш имконияти келишига қарамадан, ота-онаси ҳисобидан яшаб, тентираб юраверса, уни биз текинтамоқ, боқиманда деймиз. Яхши тарбия топган ақлли, фаросатли фарзанд ота-онасининг даромади ошиб-тошиб ётганида ҳам ўзи ишлаб, пул топиб, оила имкониятлари оширишга интилади.

Ҳар бир инсон табиат берган ақл-идроқ, билим-савия, куч-қувватлардан фойдаланмаса, унда лоқайдлик ҳисси кучая боради, мавжуд истеъдод ва имкониятлар аста-секин сўна боради. Айрим кишиларда яхшигина қобилият ва меҳнат имкониятлари бўлади, аммо уларини ишга солишни истамайди, жон койитгиси келмайди, югуриб-елиб меҳнат қилишдан кўра тайёрига айёр бўлиб яшашни маъкул кўради. Бундай одам кичикликдан ҳақиқий инсоний яшаш қоидаларига ўрганмаган, меҳнат қилмай вояга етган, ота-она эса бундай фарзанднинг текинхўрликка ўрганиб қолишига сабабчи бўлиши ҳам мумкин.

Совет ҳокимияти йилларида қишлоқда боқимандалик кайфият-ларига берилиш кенг тарқалди. Бу боқимандалик ижтимоий характерга эга бўлиб, юқорида биз бир оила мисолида олган боқимандаликдан анча фарқ қилади.

Бундай шароитда бир томондан давлатнинг одамларга яхши турмуш кечиришлари учун етарли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беролмайди, иккинчи томондан эса, одамларнинг ўзлари ҳам ҳаётини юксалтириш учун ишонч билан ҳаракат қилиш ва қилинган меҳнатлари натижаларига эга бўлиш имкониятига эга эмасдилар. Натижада турмушда иқтисодий танглик, бунинг оқибатида эса, маънавий танглик келиб чиқди, одамлар ҳам иқтисодий, ҳам маънавий танглик исканжасида қолгандан сўнг тақдирга тан бериб яшашга ўтдилар. Буларнинг барчаси эса ночор турмуш тарзини, боқимандаликни чуқурлаштирди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бош, устивор йўналиш деб эълон қилинди, иқтисодий тангликни

бара-тарф этиш орқали қишлоқ аҳлининг турмуш тарзини тубдан янгилаш вазифаси кўйилди. «Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узок муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб кўйилди. Дехкон ўз меҳнатининг мевалари, ердан олинган самара ўзига карашли эканлигини, етиштирилган маҳсулотнинг чинакам хўжайини эканлигини кўрғапдагина, ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб чинакамига ҳис қилади, деган қатъий хулосага келдик»¹.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалиги ривожининг даражаси аҳолининг турмуш тарзини бевосита белгилаб берганидек, турмуш тарзи қишлоқнинг умумий иктисодий аҳволига ҳам бирдай таъсир кўрсатади. Узаро таъсир этиш жараёнлари эса доимий равишда ўзгариб боради ва бир-бирини бойитиб туради.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси иктисодий ислохотларнинг устивор йўналишлар деб эълон қилингани ва бу борада кўрилган қатор комплекс чора-тадбирлар аҳоли маънавияти, уларнинг кундалик фаолиятларга бевосита таъсир қила бошлади, одамлар илгарги ижтимоий тузум иллатлари, хусусан боқимандаликдан ҳалос бўла бошладилар. Айни чоғда асосий эътибор ижтимоий иллатларга қарши кураш эмасу балки уларни табиий равишда барҳам топтирадиган омилларнинг ҳиссасини ошириш чора-тадбирлари курила бошланди. Шаҳе фаолиятини кучайтирувчи ана шундай омиллар қаторига куйидагиларни киритиш мумкин.

- қишлоқ аҳлининг асосий қисмини меҳнатнинг барча турларига жалб этиш натижасида яшаш тарзи мазмунан бойиб бормокда;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: -Ўзбекистон.-1995,- 60-61-бетлар

- саноатни қишлоққа олиб кириш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта туртки бўлади. Саноатнинг қишлоққа кириб келиши деганда, биринчи навбатда, ихчам, самарадор қайта ишлаш корхоналарини барпо этишни тушунсак, деҳқон ўз ихтиёридаги хом ашёни ўз ерида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш имкониятига эга бўлса, табиийки, сарф-харажатлар (хом ашёни олиб бориб сотишга кета-диган) камаяди, ҳам даромад кўтарилади. Ёки пахта толасини эшадиган, тўқийдиган, тикадиган – тайёр кийим-кечакка айлантирадиган барча дастгоҳлар қишлоқда мавжуд бўлса, аҳолининг турмуш даражаси ўсишига ижобий таъсир этади;

- қишлоққа саноат корхоналарининг қурилиши билан бирга, ялпи ободончиликлар ишлари ҳам авж ола бошлади. Йўллар текисланади, кўприклар солинади, электрлаштириш, алоқа йўлга қўйилади, маиший хизмат соҳалари жонланади.

Саноатни қишлоққа олиб кириш биринчи навбатда аҳолининг барча эҳтиёжларни қондириш имкониятлар яратади. Катта-кичик саноат корхоналарининг қад кўтариши ва ишга тушиши қишлоқда бир қадар шаҳар руҳини, нафасини олиб келади, одамларнинг руҳи, кайфияти кўтарилади.

Қишлоқ билан шаҳар ҳаётини яқинлаштиришда биринчи навбатда техникавий, маиший, ижтимоий фарқларга асосий эътибор қаратиш лозим бўлса, қишлоқда эса миллий қадриятларга садоқат, урф-одат ва анъаналарга эътиқод, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ерни эъзозлаш сингари маънавий қадриятларга эҳтиром муҳим ўрин тутади. Зеро, ўзбек халқининг миллий аломатлари қишлоқ турмуш тарзида кўпроқ сакданиб келган ва шу маконда яққилроқ намоён бўлади. Бунинг сабабларидан бири - қишлоқларда асосан ўзбеклар истиқомат қилишидир. Масалан, Фарғона вилоятининг Фарғона тумани Лоғон, Оқтепа қишлоқларида, Андижон ва Асака тумани қишлоқларида, Наманган вилояти Чует тумани ва қишлоқларида аҳолининг асосий қисмини (82-83 фоиз) ўзбеклар, бир қисмини (13-14 фоизи) тожиклар, қолган қисмини (3-4 фоизи) руслар, татар, корейс ва бошқалар ташкил этади.

Иккинчидан, қишлоқ турмуш тарзи анча барқарор анъаналарга эга бўлганлиги сабабли миллий маросимлар, урф-одатлар, тўй-маъракалар жамоавий ҳамжиҳатликда ўзаро ҳамкорликда ўтади. Қишлоқларда маҳалла кўмиталари ролининг ўсиб боришида аҳолининг ижтимоий фикри, миллий кадриятларнинг роли, ахлоқ-одоб масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Болалар тарбияси ҳам қишлоқда шаҳардагига нисбатан бошқачароқ кечади. Хуллас, қишлоқ турмуш тарзини таҳлил қилиш орқали унинг афзаллик ҳамда бир қадар консерватив, яъни бугунги тезкор давр руҳига номупофик томонларини рўй-рост айтишимиз керак. Чунки турмуш тарзи доимо ўзгариб, ривожланиб боровчи бир жараёнки, ҳар бир давр ўзига хос хислатларни таркиб топтиради.

Ўзбек миллий қишлоқ турмуш тарзига сингиб кетган ҳокисорлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, тақдирга тан бериб, бориға барақа деб яшаш каби омиллар хусусида тўхтайлик. Бу хусусиятлар узоқ асрлар мобайнида - ўзбек халқи бошига тушган азоб уқубатларни сабр-бардош билан енгиб, кўнглини кенг тутиб яшай олганида, босқинчи каллақесарлар, золим қонхўрлар исқанжасида тақдирга тан бериб, Оллоҳдан мадад кутиб ўтқазган йилларида қарор топиб, аста-секин халқнинг кундалиқ турмуш тарзига сингиб борган. Бу кўникмалар чор мустамлакачиликлари тазйиқи остида янада барқарорлашиб, совет жамияти йилларида халқимизнинг одатий турмуш кечириш, яшаш меъёрига айланиб қолганлиги маълум.

Юқоридаги аломатларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларини таҳлил этадиган бўлсак, қишлоқ турмуш тарзининг асосий белгиларидан бўлган бу омиллар одамларни хотиржамликка, аҳилликка, қийинчиликларни мардонавор енгилшга даъват этиб турганлигини эътироф этган ҳолда бозор иқтисодиётининг мустаҳкам илдиз отишида аксарият ҳолларда фаол ҳаракат қилишга ҳалақит бериши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳокисорлик яхши фазилат, аммо ҳокисорлик ўз ҳақ-ҳуқуқи учун талашиб-тортишиб яшамаслик керак, деган гап эмас. Ювошлик яхши фазилат, аммо ювошман деб жиддий масалалар муҳокамасидан четда қолиш, лоқайдликни

намоён этиш — бу заифликдир. Бориға барақа деб яшаш яхши фазилат, аммо бу борини янада кўпайтириш, тук ва бадавлат бўлиб яшашга интилишни инкор қилиш эмас. Инсонларнинг турли >ҳти-ёжлари ўсиб бориши табиий ҳол, лекин улар га холисона баҳо бериб, бошқариш асосларини ишлаб чиқиш меҳнат жараёнини тўғри ташкил этишга олиб келади. Бу эса бозор иқтисодиётини ривожлантиришни таъминлашга хизмат килади.

Қишлоқ турмуш тарзидаги энг ноқобил томонларидан бири — бу замонавий тафаккур қилиш, давр руҳи билан ҳамоҳанг иш тутишнинг етарли даражада ривож топмаганликдир. Бизнингча, бу ҳодиса асосан куйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, болалар тарбиясида янгича фикрлаш, давр руҳини англатиш ишининг қониқарсиз даражада эканлигидир. Узок йиллар давомида тарбия тизими ва воситалари юзаки, кўр-кўрона амалга оширилгани учун болалар тарбиясининг жуда тор бир кўриниши қарор топган. Болаларга беш-олти оғиз панд-насиҳатлар қилиш билан ота-оналар, ўқитувчилар ўз бурчларини бажарган ҳисоблайдилар. Олдинги авлодлар ҳам худди шу руҳда тарбиялангани учун ҳам қишлоқларда меҳнаткаш, ҳалол одамлар кўпу, аммо ҳақиқий маънавий етук, баркамол одамларга эҳтиёж жуда катта. Мана шу тариқа болалар тарбиясининг авлоддан-авлодга ўтиб келган маълум доираси қарор топган, тарбиячилар ҳам, тарбияланувчилар ҳам шу доира ичида бўлгани учун маънавий соҳадаги бу етишмовчиликни ҳеч ким тан олгиси келмайди, ҳеч ким бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Иккинчидан, турмуш тарзи эстетикасининг бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги тежаб-тергаб, тоза-озода, тартиб билан, дид ва фаросат билан яшай билмасликца намоён бўлади. Қишлоқ ахли бугунги кунда ана шу асоратларни бартараф этишга катта эътибор бермокда. Холбуки, бу психология қишлоқ турмуш тарзига чуқур таъсир этиб, одамларнинг вужудига сингиб кетган. Буни бартараф этиш учун режали тарзда тизимий

фаолият олиб борилмаса, турмуш тарзи бозор иқтисодиёти талабларига катор муаммолар туғдиришини эътибордан соқит қилмаслик лозим.

ХУЛОСА

Юқорида баён қилинган фикр ва мулоҳазалар, тўпланган илмий далилларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Ижтимоий ҳодисалар абстракт тушунчалар бўлмасдан, улар маълум бир ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг маҳсули ва инъикосидир. Бундай шароит ўзгариб бориши билан ўша ҳодисаларнинг моҳияти ҳам ривожланиб, ҳам шаклланиб боради. Шу сабабли ҳам ҳар қандай ижтимоий ҳодисани илмий тадқиқ этишда давр билан бевосита алоқадорлиги диққат марказида туриши керак.

Республикамиз ўз миллий мустақиллигини эълон қилгандан кейин чуқур инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Саккиз йиллик қисқа (шр даврда мамлакатимизда асрларга татигулик ривожланиш босқичлари босиб ўтилди. Бу даврда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки улкан вазифани ҳал этишга киришилди. Булардан бири - кучли МИЛЛИЙ давлатчилик барпо этилиши учун асос солинмоқда; иккинчиси - мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган янги ижтимоий-сиёсий тизим ташкил этилмоқда. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказилишини зарурат қилиб қўйди ва бугунги кунда бундай ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги асосий ислохотлар қуйидагиларда акс этмоқда:

-ташқи сиёсат соҳасида - Ўзбекистон мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида тобора ўз ўрнини топиб бормоқда ва унинг обрў-эътибори кун сайин ортиб бормоқда;

-ички сиёсат соҳасида - мамлакат ҳаётида фикрлар турли туманлиги, кўппартиявийлик, қонунчилик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, матбуот, сўз ва виждон эркинлиги тамойиллари тобора чуқур ўрин олиб бормоқда ва

буларнинг барчаси ҳукукий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг асосини ташкил қилмоқда;

-иқтисодий соҳада - давлат мулкнинг маъмурий буйруқбозликнинг яқка ҳукмронлигига асосланган иқтисодий тузимга барҳам берилиб, мамлакатда мулкчиликнинг барча кўринишларига тенг имкониятлар яратувчи бозор иқтисодиётга ўтилмоқца;

-маданий-маънавий ҳаёт соҳасида - миллатимизнинг тарихий, миллий, илмий, диний қадриятларини тиклаш билан бирга уларнинг умуинсоний қадриятлар билан уйғунлигига эришишига катта эътибор берилмоқда.

Юртимизда ўтказилаётган ислохотларнинг мақсади фақат ислохотлар ўтказишгина бўлиб қолмасдан, унинг марказида инсон туради, яъни "ислохот -ислохот учун,аввало инсон учун,унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак"¹ экан, унинг негизида мамлакатимиз фуқароларига фаровон ҳаётни таъминлаш мақсади ётади.

Ўтказилаётган ислохотлар жамтп бўлганидек,мамлакатимиз халқининг турмуш тарзидаги туб ўзгаришларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Турмуш тарзи ҳақида сўз борган I шароитлари, ҳаёт даражаси масалалари Табиийки, булар мамлакатнинг иқтисодий потенциали билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардир.

Иккинчидан, турмуш тарзи кишилар онгида муайян фаолиятлар юритиш мотиви сифатида намоёт бўлади. Бу эса кишиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари тизими ва уларни қондириш усуллари билан алоқадордир. Фаолият юритиш мотиви эса, бир томондан, шахснинг муайян гуруҳ, табақа оқимининг узвий қисми сифатида ўз-ўзини англашига йўл очса, бошқа томондан, шахснинг ўзи мўлжаллаётган ижтимоий мавқеини ва шу мавқега эришиш усулларини ифодв этади.манфаатлари тизими ва уларни қондирнш усулларн

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. 106 б.

Учинчидан, турмуш тарзи ўзида мураккаб таркибий тизимни ифода этади.

Бу жиҳатдан уни миллат ёки жамиятнинг турмуш тарзи, мамлакатнинг айрим ҳудудларидаги ва қишлоқ аҳлининг турмуш тарзи, аҳоли турли қатламларининг (ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, тадбиркорлар ва ҳ.к.) турмуш тарзи, оилалар ва айрим индивидларнинг турмуш тарзи сифатида таснифлаш мумкин. Шу боисдан ҳам турмуш тарзи кишилар фаолиятининг турли томонларини ифода этувчи интегратив характерга эга бўлиб, бир томонидан, фаолият мотивлари, меҳнат усуллари бирлигини ифодаласа, иккинчи томондан, шахслар ҳаёти даражаси ва фаолиятининг миқдорий ва сифатий кўринишларини акс эттиради.

Тўртинчидан, турмуш тарзи билан боғлиқ фаолиятлир нредмегли муқит билан боғлиқ шарт-шароитларни ҳам ўз ичига олади, яъни маълум бир характердаги турмуш тарзининг амалга ошиши учун юзага чиқа-оладиган моддий ва предметли муҳит бўлиши шарт. Ҳар қандай турмуш тарзи унга мое шароитлар (табиий шароит, моддий бойликлар, меҳнат ва маиший воситалар ва ҳ.к.)да амалга ошади. Лекин шароитлар ва кишилар фаолияти уйғунлашуви тарзида зоҳир бўлди.

Бешинчидан, турмуш тарзи маълум ижтимоий муносабатлар тизими сифатида ўз ривожланиши жараёнида тарихий шаклланган ижтимоий муносабатлар билан бугунги фаолият тарзи ўртасидаги алоқадорликни ҳам ўзида ифода қилади. Бу жиҳатдан турмуш тарзида тарихий, миллий, маданий, илмий, диний қадриятлар ва миллатнинг этник хусусиятлари ўз ифодасини топади. Шу билан бирга мамлакат ҳаётини умумбашарий алоқалар, миллатлараро ва мамлакатлараро икки томонлама ва кўптомонлама алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмаганлиги туфайли тарихий-миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода турмуш тарзи ўз субъектига эга бўлади.

Олтинчидан, турмуш тарзини киши эҳтиёжларининг турларига қараб, сиёсий турмуш тарзи, иқтисодий турмуш тарзи, маданий-маънавий турмуш тарзи сифатида тасниф этиш мумкин.

Шундай қилиб, турмуш тарзи ўз моҳияти ва тузилишига кўра мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, қишлоқ турмуш тарзи унинг муҳим ва ўзига хос таркибий қисмини ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимиз қишлоқларида яшовчи фуқароларнинг турмуш тарзи тубдан ўзгармокда. Бу, энг аввало, мулккий муносабатларнинг ўзгаришида, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, унинг турли кўринишларининг пайдо бўлишида, хўжалик юритишнинг давлат кўринишлари билан бирга давлат - жамоа, хусусий фермер хўжаликлари ва корхоналарнинг вужудга келишида, аҳоли ўртасида хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенг ёйилишида, хўжалик ва фуқароларга иқтисодий эркинликлар берилишида зоҳир бўлмокда. Буларнинг барчаси кишилар психологиясида, уларнинг дунёқдришида, маънавиятида жиддий ўзгаришлар рўй беришига олиб келмокда. Қишлоқларга хом ашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган майда саноат корхомалри гашкил тгилмокда. Аҳолига хилма-хил маиший хизмат турлари таклиф этилмокда. Булар билан боғлиқ ҳолда қишлоқ инфраструктураси ўзгариб бормокда.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳаётида тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган, бугунги ҳаёт талабларига зид бўлган баъзи салбий жиҳатлар ҳам кўзга ташланмокда. Булар каторига маданий савия даражасидаги тафовутлар, маданий-маиший тармоқлар ривожининг талаб даражасида эмаслиги, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари фаолияти ривожланишига талабнинг ортиб бориши, аҳолининг баъзи қатламлари ўртасида маҳаллийчилик, кэриндош-уруғчилик, бокимандалик кайфиятларининг зоҳир бўлиши каби ҳодисаларни киритиш мумкин.

Бу ва бу каби камчиликларнинг ҳаётимиздан сиқиб чиқарилиши турмуш тарзимизни соғломлаштириш ва уни янги даражага кўтарилишига

олиб келади. Айтиш мумкинки, республикамиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган улкан сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маънавий ислоҳот-лар инсон онгида юз бераётган туб ўзгаришлар, халқимиз миллий турмуш тарзининг янгиланишида объектив асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкур. 1-т.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсм. 2-т.- Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И. А. Ватан саждағок каби муқаддасдир. 3-т. Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз 7.т.-Т.: ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8.т.-Т.: Ўзбекистон, 2000
6. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди 13-т.-Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
9. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигим таъминлаш- барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир//Халқ сўзи, 2000, 8 феврал
10. "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида" ўзбекистон республикаси президентининг қарори.// Халқ сўзи, 2007, 25 август.
11. Абилов Ў. Ўзбекистон таракқиётининг оптимистик руҳи.-Т.: Истиқлол, 2003.
12. Каримова В. Меҳр ва мурувват оиладан бошланади. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.
13. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий – мафкуравий масалалари.-Т.: Маънавият, 2007.
14. Тиллаева Г. Маънавият ва комил инсон тарбияси.-Т.: Фалсафа м ҳуқуқ, 2006.

15. Ширматова Г., Абдуллаева Н. Жамиятни эркинлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалалари. -Т.:Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2007.
16. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели.-Т.: Маънавият, 2005.
- 17.Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди.Т.: Ўзбекистон,2006.